



# МИЛЛИЙ БИРЛИК, ҲАМЖИҲАТЛИКНИНГ ИҚТИСОДИЙ ИМКОНИЯТЛАРИ ВА МАЪНАВИЙ ПОЙДЕВОРИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 1 июнь куни Халқаро конгресс марказида маданият, санъат ва адабиёт соҳалари ходимларидан бир гуруҳига давлат мукофотларини топширди, шунингдек, соҳа вакиллари билан учрашув ўтказди



Янги Ўзбекистон сўнги ўн йилликда катта иқтисодий қувват тўплади. Бу натижага эришиш ўз-ўзидан бўлгани йўқ, албатта. Аввало, йиллар давомида йиғилиб қолган кўплаб масалаларга кучли сиёсий ирода билан тезкор ечим берилди. Имкониятлар эшиги очилди. Инсон қадрли улуғланган мамлакат фуқаролари янги куч ва шижоат билан яшай бошлади. Ана шу иқтисодий-ижтимоий соҳа билан бақамти ҳолда маданият, санъат ҳам эътибордан четда қолгани йўқ эди. Айни пайтда бу борада ҳал этилиши зарур бўлган масалалар ҳам бор эди.

Президентимизнинг маданият ва санъат соҳаси вакиллари билан учрашуви чоғида илгари сурилган ташаббуслар, тақдим этилган янги имконият ва имтиёзлар соҳада янги даврни бошлаб берди. Тарихдан маълумки, иқтисодий барқарорлик барча ижтимоий масалаларга ечим беради. Ана шу ўсиш, тараққиёт маънавият, маърифат билан уйғунлашса, сўнмас қувватга айланади. Бунинг улуғ аждодларимиз ҳам ўз ҳикматларида бот-бот такрор этган. Масалан, “Авесто”да бугдой экан киши ҳақиқатни экади, дейилади. Эмишки, бугдой уруғи етилса, девлар ўрнидан кўзгалар, у хирмон бўлиб уйилса, девлар нобуд бўлармиш. Дон — иқтисодий қувват. Девлар эса ёвуз куч, замонамиз ибораси билан айтганда, мафқуравий хуружлар тимсоли. Муддао

шуки, ўтган ўн йилда мамлакатимизда ҳақиқат буй чўзиб, адолат тантана қилди. Президентимизнинг шу йил 28 майдаги фармонида биноан маданият, санъат ва адабиёт соҳалари ходимларидан бир гуруҳи давлатимизнинг юксак унвон ва мукофотлари билан тақдирланган эди. Давлатимиз раҳбари Тошкент шаҳридаги Халқаро конгресс марказида ушбу мукофотларни ўз эгаларига тантанали топширди.

— Қайси миллатнинг адабиёти бой, мусиқаси юракка яқин, театри ҳаётий, киноси таъсирчан, санъати жозибдор бўлса, ўша халқнинг овози дунёда балан эшитилади, — деди Президентимиз.

Тараққий топган жамиятларда иккита таянч устун бўлади. Улар иқтисодиёт ва маънавиятдир. Маънавий илдизи бақувват халқлар синовлардан мардона ўтиб, тезда ютуқларга эришади. Иқтисодий барқарор жамиятнинг эса маънавий қиёфаси ҳам кўркам бўлади. Бу иккиси занжир ҳалқалари каби бир-бирига боғлиқ. Тантанали маросимда мамлакат қудрати нафақат иқтисодий кўрсаткичлар, балки давлатнинг маънавияти, маданияти, адабиёти ва санъати билан ҳам белгиланиши таъкидланди.

Шу маънода, янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида инсон қалбини тарбиялайдиган катта маънавий макон яратилаётгани қайд этилди. Бу борада зиёлилар, ёзувчи ва шоирлар, маданият ва санъат

намоёндалари, креатив соҳа вакиллари-нинг ўрни беқиёс экани таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари соҳанинг илгор 167 вакили юксак давлат мукофотлари билан тақдирланганини мамнуният билан таъкидлади. Ўзбекистон тарихида соҳа ходимларининг меҳнати бунчалик кенг кўламда тақдирланмаган эди. Мана шунинг ўзиёқ юқорида айтганимиз йиғилган моддий қувватнинг иккинчи таянчга — маънавиятга куч бераётганидан далолат. Муҳими, юртимизда инсон қадрли нечоғлиқ улуғланаётганининг яққол далилидир. Тақдирланганлар орасида узоқ йиллар самарали меҳнат қилиб, халқимизнинг маданий, бадиий ва интеллектуал салоҳиятини юксалтиришга улкан ҳисса қўшган ёзувчи ва шоирлар, хонанда ва созанда-лар, рақс усталари, опера ижрочилари ва бастакорлар, театр, кино ва цирк санъати намоёндалари, бахшилар ва аскиячилар, хунарманд ва расомлар, маданий мерос, музей ва кутубхона ходимлари, устоз ва мураббийлар борлиги барчамизга фахр бағишлаши эътироф қилинди.

Муҳими, бутун ораимизда бўлмаса-да, сўзи, куй-қўшиғи, ижоди ва бутун ҳаёти билан халқимиз қалбида мангу яшаб келаётган адабиёт, маданият ва санъат даргаларининг хотирасига юксак эҳтиром кўрсатилди. Уларнинг 24 нафари вафотидан сўнг давлат мукофотлари билан тақдирланди.

— Юртимиздаги ҳар бир инсоннинг, ҳатто улар ўтиб кетган бўлса-да, хизматларини муносиб эътироф этиш ҳам бизнинг маънавий бурчимиздир. Бу аждодлар хотирасини юксак қадрлайдиган халқимизнинг кўнглидаги иш бўлди, — деди давлатимиз раҳбари.

Маросимда Президентимиз мукофот соҳибларига фахрий унвонлар, орден ва медалларни тантанали топширди.

Давлатимиз раҳбари мукофотланганларни бутун халқимиз номидан самимий табриклаб, юксак эътироф уларни янги-янги ижодий ютуқларга илҳомлантириши-ни ишонч билан таъкидлади.

Мукофотланганлар юксак ҳурмат ва эътибор, маданият ривожини ва ижодкорларга яратилаётган кенг шароит учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди.

Шундан сўнг Президентимиз маданият ва санъат соҳаси вакиллари билан мулоқот қилди. Унда адабиёт, маданият ва санъат намоёндалари, шоир ва ёзувчилар, актёр, драматург ва режиссёрлар, қўшиқчи, созанда ва композиторлар, расом, ҳайкалтарош, хунармандлар, санъатшунос олимлар широк эртди.

Мамлакатимиз етакчиси маданият ва санъат халқ маънавияти, жамият тафаккури ва ёшлар тарбиясида беқиёс ўрин тутганини таъкидлади.

Айниқса, ҳозиргидай техник тараққиёт ва мураккаб сиёсий жараёнлар фониди бу янада долзарблик касб этмоқда. Инсон онги ва қалбини эгаллаш учун чегара кесиб ўтиш шарт бўлмай қолди. Ана шундай шароитда китоб, театр, кино, мусиқа ва адабиёт жамиятнинг маънавий иммунитетини мустаҳкамлайдиган энг таъсирчан воситалар экани қайд этилди.

Учрашувга тайёргарлик жараёнида ижодкорлар билан мулоқот қилинган, маданият ва санъат объектларидаги ҳолат ўрганилган таъкидланди. Ана шу ўрганишлар ва юқорида таъкидлаганимиз иқтисодий имкониятлар салмоғидан келиб чиқиб, масалаларни ҳал этиш, адабиёт, маданият, санъат ва креатив иқтисодиётда янги муҳит яратишга қаратилди.

Мулоқотда дастлаб ижодкорларни рағбатлантириш, ёш истеъдод эгаларини қўллаб-қувватлаш бўйича янги тизим жорий этилиши белгиланди. Театр, кино, рақс, опера, фольклор, эстрада, академик ва миллий чолгу, тасвирий ва амалий санъат каби 21 йўналиш бўйича ижодий бирлашмалар ташкил этилади. Уларга устоз ижодкорлар, вазирлар ва йирик компаниялар раҳбарлари ҳамраис бўлади.

Бу бирлашмалар туманлардаги мусиқа мактаблари ва бадиий жамоалар билан ишлаб, ёш истеъдод эгаларини аниқлайди. Шунингдек, маҳалла — туман — вилоят

— республика босқичларида танловлар ўтказди. Голибларни гастроль сафарлари, фестиваллар ва халқаро танловларда қўллаб-қувватлаш билан шугулланади. Яъни бирлашмалар истеъдодлиларни ахтариб топишдан тортиб, уларни қўллаб-қувватлаб, катта ижод майдонига олиб чиқаётгани аниқ тизим бўлади.

Шунингдек, ҳар йили миллий ижодкорлар курултойи ўтказилмайдиган бўлди. Унда йил давомида энг яхши натижа кўрсатган ижодкорларнинг бадиий кечалари ташкил этилиб, улар муносиб тақдирланади. Хусусан, мусиқа соҳасида янги асарлар яратган, халқаро танловларда голиб бўлган ёш асарлари мамлакат ва халқаро сахналарда ижро этилаётган қўшиқчи, созанда ва композиторлар, адабиёт соҳасида эса асарлари кенг эътироф этилган, катта адабда чоп этилган, театр ва кинода сахналаштирилган шоир, ёзувчи ва драматурглар рағбатлантирилади.

Бундай ижодкорларга йил давомида ҳар ойда 5 миллион сўмдан гонорар берилди. Улар Ўзбекистон бўйлаб самолёт, поезд ва жамоат транспортидан бепул фойдаланади. Ихтисослашган тиббиёт марказларида даволаниш харажати бюджетдан қопланади. Уларнинг маҳорат мактаблари ва ижод уйлари ташкил этилади.

➤ Давоми 2-бетда

## ПРЕЗИДЕНТ ТАШАББУСИ: ҚАЛБЛАРГА МУҲРЛАНГАН МАЪНАВИЙ ИМЗО



Янги Ўзбекистон руҳи

Тарадуд ҳаяжони

Оламдаги жамики эзгу ишлар, барча бунёдкор ҳаракатлар дастлаб яхши ниятдан, хушхабардан бошланиши ҳақ гап. Агар инсон кўнглида бир ёруғ орзу тугилса, у кун келиб, албатта, ҳаётий воқеликка айланади.

Бекобод тумани бўйлаб сўнги бир йилда жадал сурьатларда бошланган бир-бирдан қувончли воқеалар, одамлар кўз ўнгида содир бўлаётган улкан ўзгаришлар, хонадонларга, оилалар турмуш шароитига кириб бораётган халқчил ислоҳотлар мевасини — буларнинг бари китобларга синайди.

➤ Давоми 3-бетда



Кичик бизнес эгалари учун янги имтиёзлар берилмоқда

Юртимизда тадбиркорлар билан доимий мулоқотлар, соҳалар кесимида мунтазам учрашувлар ўтказилаётгани бежиз эмас. Уларда бизнес эгаларини қийнаётган масалалар, иш жараёнига тўсиқ бўлаётган муаммолар, аниқ таклиф ва ташаббуслар ўртага ташланади. Муҳокамалар давомида аксарияти ечимини топаётган бўлса, катта ва тизимли масалалар тўпланиб, умумлаштирилган ҳолда давлатимиз раҳбарига тақдим этилади. Кўтарилаётган масалаларнинг ечимини узоқ куттирмаётгани эса тадбиркорларнинг ҳеч бир таклиф ва ташаббуси шунчаки қолиб кетмаётганидан далолат.

Одатда, юртимиз бизнес эгалари ўзлари кутган янгилик ва ўзгаришларни ҳар йили августда давлатимиз раҳбари билан бўлиб ўтказилган анъанавий очиқ мулоқотда эшитишга ўрганиб қолган. Таклиф ва ташаббусларни ҳам ана шу мулоқотдан бир неча ой олдин тўплаш йўлга қўйилган. Шу боис, бизнес соҳаси вакиллари ақсарияти ана шу очиқ мулоқотни кутиб, унга катта тайёргарлик кўради.

➤ Давоми 4-бетда

# МИЛЛИЙ БИРЛИК, ҲАМЖИҲАТЛИКНИНГ ИҚТИСОДИЙ ИМКОНИЯТЛАРИ ВА МАЪНАВИЙ ПОЙДЕВОРИ

## Бошланиши 1-бетда

Мамлакатимиз етакчиси ёш истеъдод эгалари, уларнинг устозларини қўллаб-қувватлаш бўйича ҳам муҳим чоралар белгилаб берди. Хусусан, 1 сентябрдан бошлаб республика танловголибларига 100 миллион сўм, нуфузли халқаро танлов совриндорларига 300 миллион сўмгача мукофот берилади. Бундан ташқари, уларнинг танловда иштирок этиш харажати тўлиқ қопланади. Устоз ва мураббийлар ойлик маошига 100 фоизгача устама тўланади. Булар осонгина айтилса-да, аслида, жуда катта маблағ, ҳар бир сўм эса машаққатли меҳнат дегани. Рағбатлар эса, фақат шу билан чекланиб қолгани йўқ. Жумладан, энди ҳар йили 100 нафар йиғит-қиз давлат ҳисобидан хорижий маданият ва санъат муассасаларида таълим олишга юборилади. Ёш истеъдод эгаларини аниқлаш, продюсерлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш мақсадида “Ижодга инвестиция” жамғармаси ташкил этилиб, унга йилга 200 миллиард сўм ажратилади.

Йиғилишда ижодкорларнинг муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Адабиёт, маданият ва санъат соҳасида яратилган ҳар бир маҳсулот ижодкорнинг интеллектуал мулк экани, ҳар бир бадиий асар, мусиқа ва кўшиқ муаллифга даромад келтириши зарурлиги таъкидланди. Масъулларга муаллифлик ҳуқуқини кафолатли ҳимоя қиладиган тизим ишлаб чиқиш топширилди.

Адабиёт соҳаси вакиллари учун ҳам янги имкониятлар яратилади. Шоир ва ёзувчиларга йилга камида 50 та энг сара асар учун ижодий буюртма берилади. Янги ташаббуслар қанотида ўзбек адабиёти халқаро даражада ҳам оммалашади. Яъни ҳар йили ўзбек адабиётининг 10 та энг яхши асари хорижий тилларга таржима қилинади. Муаллифлар иштирокида чет элларда тақдиротлар ўтказилади. Ёзувчилар уюشمаси тавсияси асосида чоп этиладиган китобларнинг қозғ билан боғлиқ харажати давлат томонидан қопланади.

Ҳар йили 1000 нафар шоир ва ёзувчи, маданият ва санъат вакили, музей ходими

ва расомларга уй-жой олиш учун ипотека кредити дастлабки тўловининг 50 фоизи қоплаб берилади. Бошқа ҳудуддан келиб ишлаётган соҳа вакиллари уй-жой ижараси харажати учун Тошкент шаҳрида ойига 2,5 миллион сўмгача, вилоятларда 1 миллион 600 минг сўмгача компенсация тўланади.

Ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида яна бир ташаббус: ҳар йили фаолиятида яхши натижага эришган 1000 нафар соҳа ходими Давлат тиббий сугурта жамғармаси ҳисобидан бепул даволанади. Яна 2000 нафар ижодкорга давлат томонидан тиббий сугурта пакети тақдим этилади. Камида 10 йил ишлаган ходимларга касба уюшмалари санаторийларига бепул йўланма берилади.

Ашула ва рақс ансамбллари қўллаб-қувватлаш мақсадида 1 сентябрдан бошлаб улардаги барча ходимларнинг иш ҳақи 2 баробар оширилади. Рақс усталари учун пенсияга чиқишда талаб этиладиган рақс стажи 20 йилдан 15 йилга қисқартирилади. Янги Тошкентда қурилиши бошланган Мақом маркази ёнида замонавий Рақс саройини барпо этиш таклифи илгари сурилди.

Композитор ва бастакорлар фаолиятини молиялаштириш, уларни моддий рағбатлантириш тизими ҳам қайта кўриб чиқилади. Ҳар йили уларга опера, симфония каби мумтоз ва замонавий жанрлар бўйича камида 20 та янги асар яратиш учун давлат буюртмаси берилади.

Президентимиз жамиятимизда миллий руҳни мустаҳкамлашнинг аҳамиятига алоҳида тўхталди. Айни вақтда халқни илҳомлантирадиган адабиёт, ёшларга фахр ва ифтихор берадиган кино, қалбларни жузбишга келтирадиган мусиқа, одамни ўзини англашга ундайдиган театр кераклиги таъкидланди. Интернет ва ижтимоий тармоқлар ҳаётимизда муҳим ўрин эгаллаётган ҳозирги даврда ижодкор, зиёлиларнинг рақамли майдондаги овози баландроқ янграши зарурлиги қайд этилди.

Янги Ўзбекистондаги эзгу ташаббуслардан, шубҳасиз, “Бир китоб” ва маданият карвонлари йўлга қўйилгани эди. Бугун олис қишлоқ ва овулларда ҳам

маданият, адабиёт ва санъат вакиллари учрашувлар ўтказиб, китоблар улашмоқда. Бу борадаги ишларни эса янги босқичга кўтаришни даврнинг ўзи талаб қилмоқда.

Мадааний тадбирларга талабини ошириш мақсадида ҳам янги механизмлар жорий қилинади. Ҳар йили 500 минг ўқитувчи, шифокор, давлат хизматчиси, фаол ўқувчи ва талабаларга, шунингдек, 100 минг эҳтиёжман оила ва ногиронлиги бор болаларга театр, кино ва концертларга бепул ваучерлар берилади.

Шунингдек, 1 июндан ҳар бир туман ва маҳаллада концерт-томоша тадбирлари ўтказиш харажати 20 фоизгача қисми бюджетдан қопланади. Концерт-томоша, хусусий театр, кинематография, болалар контенти, маданият ва санъат йўналишидаги хусусий таълим ташкилотлари қарор солиқлардан озод қилинади. Адабиёт, маданият ва санъатни ривожлантиришга йўналтирилган ҳоимийлик маблағлари ҳам солиққа тортилмайди.

Вилоят ҳокимликлари ҳузурида алоҳида дирекциялар ташкил этилиб, улар концерт, театр ва маданият саройлари залларидан самарали фойдаланиш, ҳар куни мадааний тадбирлар ўтказиш учун масъул бўлади.

Театр соҳасида ҳам кенг имкониятлар яратилади. Ўтган йили Алишер Навоий номидаги театрга молиявий, ижодий ва ташкилий масалаларни мустақил ҳал қилиш ваколати берилгани яхши натижа бергани таъкидланди. Жумладан, бир йилда спектакллар сони 1,5 баробар, томошабинлар эса 2 қарра кўпайган. Мазкур тажриба Муқимий, Бердақ ва Миллий кўнгирчоқ театрларига ҳам таъбиқ этилади.

Хусусий театрлар ва театр-студияларини қўллаб-қувватлаш мақсадида 1 сентябрдан бошлаб ҳар йили 50 та сахна асари яратиш харажати давлат томонидан қоплаб берилади. Уларга давлат маданият объектлари бепул фойдаланиш учун ажратилади. Агар улар хусусий бинони ижарага олса, ойига 20 миллион сўмгача ижара харажати бюджетдан қопланади. Спектакллар учун сотилган ҳар бир чиптага бюджетдан қўшимча гонорар тўлаш тизими жорий этилади.

Кино соҳасини ривожлантириш бўйича ҳам муҳим вазифалар белгиланди. “Ўзбекфильм”га миллий мақом берилиб, у маҳаллий ва халқаро киноиндустрияга хизмат кўрсатадиган марказий киноконцернга айлантирилади. Миллий фильмларни халқаро бозорларга олиб чиқиш мақсадида глобал кинолабформалар билан ҳамкорлик кучайтирилади.

Давлат буюртмаси асосида фильм яратишда тарғибот ва реклама харажатлари учун фильм бюджетининг 30 фоизгача маблағ ажратилади. Давлат буюртмаси асосида яратилган фильмлар намойишидан тушган маблағнинг 50 фоизи продюсер ва ижодий гуруҳга қўшимча рағбат сифатида берилади. “Олтин хумо” миллий кино тақдиротининг нуфузини янги босқичга кўтариш учун ҳар йили 5 миллиард сўм ажратилади.

Креатив иқтисодий ривожлантириш алоҳида йўналиш сифатида белгиланди. Яқин йилларда маданият ва санъатда қўшилган қийматни кўпайтириш орқали креатив иқтисодиёт қийматини 145 триллион сўмга етказиш мақсад қилинган. Шу боис, соҳанинг ҳуқуқий асоси ишлаб чиқилган. Креатив индустрия парки резидентлари учун алоҳида солиқ режими жорий этилган. Шайхонтоҳур тумани ва Нукус шаҳрида йирик креатив парклар қурилиши бошланган.

Хунармандчилик маҳсулотларига замонавий дизайн олиб кириш орқали уларнинг қўшилган қийматини 5-10 қарра ошириш бўйича лойиҳалар амалга оширилади. Халқаро дизайнлар билан ҳамкорлик қўлама кенгайтирилиб, Европа, АҚШ, Жанубий ва Шарқий Осиё, Яқин Шарқ мамлакатларида кўргазмалар кўпайтирилади. Ҳар бир ҳудудда йил давомида мега тадбирлар ташкил қилиш бўйича дастур ишлаб чиқилади.

Учрашувда маданият ва санъат соҳасида таълим тизimini такомиллаштириш масаласи ҳам атрафлича муҳокама қилинди. Умумтаълим мактабларида мусиқа, тасвирий санъат ва технология дарслари “Art” ўқув дастури асосида янгиланади. Янги ўқув йилидан ҳар бир вилоятдаги 10 тадан умумтаълим мактабида тажриба

тарзида арт йўналиши жорий этилади. Бунда бошланғич синфларда болаларни расм, мусиқа ва ўйинлар орқали ижодга қизиқтириш, оқори синфларда эса дизайн, графика, сунъий интеллект ва креатив лойиҳалар билан ишлаш кўникмаларини шакллантириш назарда тутилди.

Юртимиздаги 326 та мусиқа ва санъат, 29 та ихтисослашган мактабда 95 минг ўғил-қиз таълим олаётгани қайд этилди. Ушбу муассасалар учун аниқ самарадорлик кўрсаткичлари ишлаб чиқилди. Мусиқа мактаблари битирувчилари ўз йўналишидан ташқари қўшимча битта миллий чолғунчи бўлиши талаб этилади.

Янги ўқув йилидан 326 та мусиқа ва санъат мактаби ўқитувчиларининг ойлик маоши умумтаълим мактаблари ўқитувчилариники билан тенглаштирилади. Умумтаълим ва мусиқа мактаби ўқитувчилари иш ҳақида ўқувчиларнинг чолғуларини қай даражада ижро этишига қараб, 20 фоизгача устама тўланади. Камида 1,5 миллион ўқувчини мусиқа ва санъатга жалб қилиш вазифаси қўйилди.

Ҳар бир умумтаълим мактабида мусиқа ва санъат йўналишида камида 4 тадан тўғарак ташкил этилади. Миллий чолғу сотиб олганларга харажатнинг 30 фоизи қоплаб берилади. Имконияти чекланган ёшлар учун ҳудудларда инклюзив ижодий устaxonлар ташкил этилади ва ушбу йўналишга ҳар йили 30 миллиард сўм ажратилади.

Қадрлар тайёрлаш тизими ҳам қайта кўриб чиқилади. Янги ўқув йилидан ихтисослашган мактабларга ўқувчилар мусиқа йўналишида 5-синфдан, рақс, театр ва санъат бўйича 9-синфдан қабул қилинади. Мусиқа ва санъат, эстрада ва цирк техникалари Мадааният вазирлиги тизимида ўтказилади. Уларга олий мактаб мақоми берилади ва ўқув жараёни уч йиллик дастур асосида ташкил этилади.

Маданият ва санъат йўналишидаги олийгоҳларда дуал таълим йўлга қўйилди. Ҳар бир талабга таниқли ижодкорлар бириктирилади. Улар ёшларни концерт, театр ва томошаларда иштирок эттириш орқали катта сахнага тайёрлайди. Таълим дастурларига “Арт менежмент”, “Креатив

индустрия”, “Лойиҳаларни тижоратлаштириш” каби замонавий мавзулар киритилади. Талабаларнинг стартап лойиҳалари учун 10 та олийгоҳга 50 миллиард сўм ажратилади.

Ҳар бир соҳа истиқболи малакали кадрларга боғлиқ. Йиғилишда мазкур йўналишга ҳам эътибор қаратилди. Жумладан, соҳа ходимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш бўйича яхлит тизим яратилади. Мавжуд марказлар негизда Мадааният вазирлиги тизимида малака ошириш ва қайта тайёрлаш институти ташкил этилади. Мазкур институт умумтаълим мактабларидаги мусиқа ўқитувчиларининг малакасини ошириш учун ҳам масъул бўлади.

— Бугун дунёда қандай таҳликали ҳолат, қарама-қаршилик ва низолар рўй бераётганини кўриб турибмиз. Бундай вазиятда биз учун миллий бирлик ва ҳамжиҳатлик ҳар қачонгидан ҳам муҳим. Ишончим комил, бу борада сизлар энг олдинги сафда туриб, чинакам ватанпарварлик, миллатга садоқат ва фидойилик фазилатларингиз билан ёшларимизга, бутун халқимизга намуна бўласизлар, — деди Президентимиз.

Ҳазрат Навоий доим комил инсон соғинчи билан яшаган. Комиллик сари элтадиган гуманистик гоёларни тараннум этган. Бугун янги Ўзбекистонда ушбу эзгу ният ўзининг амалий ифодасини топиб бормоқда. Буни ижод аҳлига қаратилган эътибор ва эҳтиромда ҳам кўриш мумкин. Бу эса ўз ўрнида Учинчи Уйғониш даври учун муносиб сармоядир. Зеро, ижод аҳлининг фидойи меҳнати туфайли жамиятда миллий руҳ мустаҳкамланади. Ёшлар қалбида эзулик, ватанпарварлик туйғулари чуқур жой олади. Юртсеварлик эса шахсларга чексиз қувват, олға интилиш иштиёқини беради. Мамлакат етакчисининг соҳа ходимлари билан учрашуви ана шундай тарихий босқични бошлаб берди.

Давлатимиз раҳбари соҳа вакиллари билан самимий мулоқот қилиб, уларнинг фикр-мулоҳазалари, таклиф ва ташаббусларини тинглади.

**Боборовшан ҒОЗИДДИНОВ,**  
**“Янги Ўзбекистон” муҳбири**

## ФАХРЛАНДИМ ВА ҚУВОНДИМ

### Муносабат

Юртимизда маданият ва санъат соҳалари ривожига алоҳида эътибор қаратилаётганига барчамиз гувоҳ бўлиб турибмиз. Ижод аҳлини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг самарали фаолият юритиши учун муносиб шарт-шароит яратиш, миллий санъатимизни халқаро майдонда кенг тарғиб этиш борасида изчил ислохотлар амалга оширилмоқда.

Президентимиз томонидан ўзбек миллий кинематография соҳасидаги кўп йиллик меҳнатларим эътироф этилиб, соҳа фидойиси сифатида “Ўзбекистон Республикаси халқ артисти” фахрий унвони билан тақдирланганим ҳам санъат аҳлига кўрсатилган юксак эътирофнинг яққол кўринишидир.

Мазкур мукофот менга жуда катта рағбат бағишлади. Фахрландим, қувондим. Куч ва рағбат олдим ҳамда ўзимга

ишончим янада ортди. Бу шунчаки тақдирлаш ва биргина менинг ютугим эмас, балки миллий кино санъатини ривожлантириш йўлида кечая кундуз фидойилик билан меҳнат қилаётган барча ҳамкасб ижодкорларимизга билдирилган катта ишонч деб биламан.

Айниқса, марҳум санъаткорларнинг давлат мукофоти билан тақдирланганини эшитиб ҳаяжонландим. Ижод аҳлига кўрсатилаётган бу ҳурмат, эҳтиром ва



этибордан бошим кўкка етди. Вужудимга янги куч кириб келди, халқимизга керак эканимни юрак-юракдан ҳис этдим.

**Матқуб МАТҚОНОВ,**  
**Ўзбекистон Республикаси халқ артисти**

## ИЖОД – ҲАЁТИМ, НАФАСИМ ВА БОРЛИҒИМ

“Ўзбекистон Республикаси халқ рассоми” фахрий унвони билан тақдирланганим, аввало, санъатимиз ва маданиятимизга қўшган камтарона меҳнатимга берилган юксак баҳо. Бу эътироф ҳар қандай ижодкор учун бекиёш шараф, айни пайтда улкан масъулият ҳамдир.

Чунки халқ ишончи ижодкор зиммасига юксак талаб ва вазифаларни юклаган баробарида чексиз қувват ва илҳом бахш этади. Янги ижодий марралар сари интилишга кучли туртки беради. Зеро, санъат — тинимсиз изланиш, руҳий камолот ва қалб меҳнати.

Ижодий фаолиятим давомда яратган асарларимда, асосан, она Ватанимиз манзаралари, халқимизнинг бой тарихи, миллий қадриятлар ва инсон қалбининг



нозик кечинмаларини ифодалашга ҳарқат қиламан. Табиат ва инсон, миллий руҳ ва замонавийликни уйғунлаштириш ижодимнинг асосий йўналишларидан бири бўлиб келмоқда. Шу билан бирга, ўзбек мультимедияси ва “Ўзбекфильм” киностудиясида бир қанча анимацион фильмларга режиссёрлик ва расомлик қилдим.

Давлатимиз раҳбари томонидан меҳнатимнинг юксак даражада эътироф этилгани бекиёш тухфа бўлди. Шу боис, ушбу мукофот янги асарлар яратишимда, шогирдларимга санъат сирларини мукамал даражада ўргатишим ва энг асосийси, миллий санъатимизни янада юксак поғоналарга олиб чиқишга ҳисса қўшиш учун янги масъулият ҳиссини уйғотади.

Албатта, “Ўзбекистон Республикаси халқ рассоми” деган юксак унвон зиммамда экан, изланишдан тўхтамайман, янги гоёлар ва бадиий ечимлар устида ишлашда давом этаман. Она юртимизнинг бетакорор гўзаллиги, халқимизнинг бой маданияти ва руҳиятини тараннум этувчи янги-янги асарлар яратишдан чарчаймайман.

Чунки санъат менинг ҳаётим, нафасим ва қалбимдир.

**Мазур МАҲМУДОВ,**  
**Ўзбекистон Республикаси халқ рассоми**

## САНЪАТ АҲЛИ ЎЗ ИСТЕЪДОДИ БИЛАН ХАЛҚҚА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Бугунги кун ўзбек санъати ва маданияти соҳасининг барча вакиллари учун унутилмас, тарихий сана бўлди. Президентимизнинг шахсан ўзи соҳанинг бир гуруҳ фидойилари, устозларимиз ва ҳамкасбларимизни орден, медаль ва турли давлат мукофотлари билан тақдирлади.

Муносибларнинг кадр топганини кўриб, худди ўзим мукофот олгандек хурсанд бўлдим. Биз, ижод аҳли билан дилдан суҳбатда соҳа ривожини йўлида хизмат қиладиган турли янгиланиш ва ислохотлар, лойиҳа ва механизмлар ҳақида сўз борди. Санъаткорлар учун турли рағбат ва имтиёзлар, имкониятлар берилди.

Учрашувда барча санъат фидойилари давлатимиз раҳбарига соҳа ривожини йўлда ўз фикр-мулоҳазалари ва таклифларини билдирди. Президентимиз уларни амалиётга таъбиқ этиш борасида масъулларга тегишли топшириқларни берди.

Эстрада санъат соҳалари орасида энг оммабоп ва универсали ҳисобланади. Ушбу йўналиш вакиллари аънаваний

технология дарслари “арт” ўқув дастури асосида такомиллаштирилиши қўл келади. Ушбу йўналиш болани креатив фикрлаш, жамоавий ишлашга ўргатади, унда эстетик дид, ҳиссий интеллект ва инновацион тафаккурни шакллантиради.

Мутасаддиларга янги ўқув йилидан ҳар бир вилоятдаги 10 тадан умумтаълим мактабида тажриба тарзида “арт” йўналишини жорий қилиш топширилди. Бунда 1-4-синфда болалар расм, мусиқа ва ўйинлар орқали ижодга, маданият ва санъатга қизиқтирилиши айтилди. Болаларда ёшликдан санъат, хусусан, мусиқа ва кўшиққа қизиқишини ошириш келгусида уларнинг мусиқа билимини чуқур ўрганишга иштиёқ билан ёндашишини билдиради.



қатъи назар, ушбу фазилатлар барча учун муҳим.

Президентимиз билан учрашувда республиканинг турли ҳудудларида гастроль-концертларни ташкил этиш таклифини билдирдим. Чунки бугунги кунда концертларнинг аксарияти ресторан ва бошқа жойлар, пойтахтдаги концерт залларида бўлиб қолган. Табиийки, аксарият аҳолининг уларни томоша қилишга имконияти йўқ. Турли ҳудудлардаги гастроль-концертларга кўпроқ ёш истеъодларни жалб қилиш аҳамияти. Бу улар учун ҳам тажриба майдони вазифасини ўтайди, ҳам халқимизнинг мароқли мадааний ҳордиқ чиқаришини таъминлайди. Зеро, биз санъат аҳлининг вазифаси ҳам шу: ўз истеъдоди билан халққа хизмат қилиш.

Учрашувда қанчалар хурсанд бўлган бўлсам, шунчалар масъулиятни ҳис қилдим. Сабаби Президентимиз таъкидлаганидек, давлатни иқтисодиёт кўтарари, қонун бошқаради, армия ҳимоя қилади. Лекин қайси мамлакат адабиёт ва маданиятга эътибор берса, келажак мустақкам бўлади. Қайси жамият ижод ва санъатни қадрласа, ўша халқнинг маънавий иммунитетини кучли бўлади. Зеро, янги Ўзбекистон халқининг маънавий иммунитетини шакллантириш биз ижодкорларнинг фидойилиги, тинимсиз меҳнати, илм-тафаккури ва истеъдодига боғлиқ.

**Насиба АБДУЛЛАЕВА,**  
**Ўзбекистон халқ артисти**

Шунингдек, 326 та мусиқа ва санъат, 29 та ихтисослашган мактаб билан умумтаълим мактаблари ўртасида ижодий ҳамкорлик йўлга қўйилиши барча катта масъулият талаб этилади. Бу эса, албатта, санъаткор мактаб кўриши, яъни таълим олиши кераклигини билдиради.

Бугун ушбу йўналишдаги таълим тизимига киритилаётган ўзгаришлар ҳам истеъдодли, ҳам мусиқа илмини чуқур билган ёшлар етишиб чиқишига хизмат қилади. Жумладан, умумтаълим мактабларида мусиқа, тасвирий санъат ва

Бошланги 1-бетда

Президентимизнинг туманимизга, унинг 175 минг аҳолисига алоҳида меҳр ва эътибори туфайли кейинги бир йил Бекобод тумани учун "катта сакраш" йили бўлди, десак асло муболага бўлмайди. Аввалбошда бундай ўзгаришлардан ҳайратда бўлган туман аҳли орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, ушбу бемисл янгиланишларга енг шимариб қўшилиб кетди.

Қирқ йил орзу қилинган, ота-боболаримиз кўрмай ўтиб кетган муҳташам кўприклар битди, пойтахтга олиб борувчи тезюрар поездлар учун темир йўл қурилиши бошланди, ўнлаб таълим, маданият ва спорт иншоотлари барпо этилди, 30 минг аҳоли яшашига мўлжалланган "Янги Ўзбекистон" массивига пойдевор қўйиш арасида турибмиз. Йўлар, электр ва ичимлик сув тармоқлари янгиланди, умрида бозорга ёлчимаган туманга бир эмас, бирйўла иккита замонавий бозор қурилмоқда.

Ўтган қисқа муддатда жами 51 та маҳалла бинолари ҳавас қилгудек қиёфага келтирилди, улардан 24 таси янгидан бунёд этилди. Атрофда инфратузилма барпо қилиниб, бутун туман ҳудуди жўшқин ҳаёт тарзига ўтди.

Катта-кичик ўнлаб ишлаб чиқариш корхоналари, тадбиркорлик субъектлари, юзлаб хизмат кўрсатиш шохобчалари фаолияти йўлга қўйилиши орқали одамларнинг турмуш сифати яхшиланимизда, минглаб янги иш ўринлари яратилмоқда.

Зафар шаҳарчасининг қоқ марказида қад кўтарган, Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан яқинда очилиш маросими бўлиб ўтган Янги Бекобод марказий майдонининг сервикор аркаси, хотира мажмуаси, туман тарихи музейи, энг муҳими, 35 метрли давлат байроғи кун сайин қадр топиб, кўкси тоғдек баян бўлаётган меҳнаткаш бекободликларнинг гурури рамзига айланди.

Мана шундай ҳаяжонлар ичра яшаётган пайтимизда яна бир хушхабар келдики, Бекобод туманида бошқа соҳалардан асло кам бўлмаган ҳолда маънавий бунёдкорлик ҳам жадал ўсаётганига шубҳа қолмади.

Бундан 9 йил аввал Президентимиз ташаббуси билан бошланган "Ёш китобхон" танловининг республика финал босқичи туманимизда ўтказилиши ҳар бир бекободлик қалбига чексиз гурур ва ифтихор ҳиссини жо қилди.

Лекин бу фақат ифтихор эмас, улкан масъулият, бизга билдирилган катта ишончга муносиб жавоб бериш имконияти ҳам эди. Шу боис, нафақат масъул ва мутасаддилар, балки бутун туман аҳли ушбу маърифат байрамиди муносиб ҳамда юқори савияда ўтказишга астойдил тайёргарлик кўрдик.

Бир-биридан кўркам бунёдкорлик иншоотлари сабабли тобора чирой оцаётган Бекобод тумани энди яна бир гўзаллик — китобхонлик нафаси ва илм зиёси билан ҳар қачонгидан ҳам ёришиб кетди.

Туманимиз ўртасидан ҳайқириб оқиб ўтган, бир вақтлар устоз Ойбек домлага илҳом улашган Сирдарёнинг сўлим қирғоқлари, Пиримқул Қодиров ва Муҳаммад Али сингари забардаст адибларга таълим-тарбия берган Бекобод кучоғи яна улкан мутлола майдонига айланди.

Биз юртимизнинг 42 нафар энг зукко, азиз фарзандига мезбонлик қилиш шарафига муяссар бўлган эдик. Бекобод китоб ёғдусига, илм нурига тўлди. Қурилиш китобхоналарида куну тун меҳнат қилаётган моҳир усталар, далаларда ерга уруғ қадаётган деҳқонлар, ипак қурти бошида бедор бўлган заҳматкаш пиллачилар, бешик тебратётган келинчалар, нуруний отахон ва онахонлар, қўйинги, ҳамма-ҳаммининг қалбида китоб байрамининг ҳаяжони уйғонди.

Китоб узра Ватан жамланди

18 май куни туманимизнинг кенг жамоатчилиги иштирокида жонажон Ўзбекистонимизнинг барча ҳудудларидан келган 42 нафар билимдон ва китобхон фарзандимизни, уларга ҳамроҳлик қилган бобо-бувиларини, ота-оналарини, нуфузли ҳакамлар ва Ёшлар ишлари агентлиги масъулларини катта шодиёна руҳи, карнай-сурнай садолари ва нон-туз билан кутиб олдик.



Янги Ўзбекистон руҳи

ПРЕЗИДЕНТ ТАШАББУСИ: ҚАЛБЛАРГА МУҲРЛАНГАН МАЪНАВИЙ ИМЗО

Президентимиз нутқларидан бирида "Китоб ўқишга иштиёқманд, илмга чанқоқ ва эҳтли фарзандларимиз тимсолида кўз олдимизда буюк аждодларимизга муносиб маърифатли авлод шаклланимизда", деган эди. Дарҳақиқат, автобусдан тушиб келаётган 10-30 ёшли китобхонлар ана шу ишонч билан айтилган сўзларнинг ҳаётий исботи эди.

Уларнинг ҳар бирини ҳудди ўз фарзандларимиздек бағримизга маҳкам босдик, чин дилдан қутладик, республика босқичида омадлар тиладик. Чунки улар финал босқичига етиб келгунча қанча тунларни тонларга улаб, мутлола қилганини, мактабдан, олийгоҳдан, турмуш қурган қизлар эса уй юмушларидан, боладан, қайнона-қайнота хизматидан ортиб, тунлари китобга машғул бўлганини биз ҳам чуқур англаймиз.

Уларни туман ихтисослаштирилган мактаб биносидан пухта тайёрланган ва асосий беллашувлар бўлиб ўтadиган павильонга кузатиб қўяр эканмиз, биз — бекободликлар ҳам отанинг юксак ишончи барча иштирокчиларга бешта шарт давомида мустаҳкам қанот бўлди.

Айниқса, Наманган вилоятидан ташриф буюрган ёш китобхон, Зулфия номидagi давлат мукофоти совриндори Дилафрўз Тўйчиева гарчи жисмоний имконияти чекланган бўлса ҳам, бутун танлов давомида кучли билим ва матонатини намойиш қилгани нафақат иштирокчилар, балки Бекобод ёшлари учун ҳам ибрат бўлди.

"Мен 8 марта операция бўлганман, — деди Дилафрўз. — Оғир тушқунликда юрган кезларим мана шу китобхонлик танлови ҳақида эшитиб қолдим. Мени ҳаётга қайтарган, ўзимга ишончини уйғотган ушбу танлов туфайли янгидан тугилгандек ҳис қилганман ўзимни!".

Ёки автоҳалокат туфайли турмуш ўртоғи бевақт вафот этиб, икки фарзандини ёлғиз улайтираётган сурхондарёлик иштирокчи Фазилат Диёрова кўрсатган энг юқори натижа ҳам барчани бирдек ҳайратга солди.

"Бошимга тушган қутилмаган бахтсиз ҳодисани ва айрилиқ дардини фақат китобхонлик орқали енгиб келмоқдаман. Бугун голиблик шохсунасида турарканман, кўз олдимдан ўша оғир кунлар бир-бир ўтмоқда. Бироқ китоблар олами мени ҳамиша қайғу ва тушқунликдан асради. Бунинг учун умрим бўйи китобларга ва ушбу танловга таъзимдаман", дейди Фазилат кўзда ёш билан.

Шунда тушундикки, китоб ва мутлола фақат маънавий озуқа ва илм эмас, ҳаётнинг пасту баланд синовларида инсон иродасини тоблайдиган, унга руҳан мададкор бўладиган мўъжиза ҳамдир.



Ҳакамлар ҳайъати аъзоси, сеvimли шоиримиз Эшқобил Шуқур танаффус пайтида бир ифтихорни алоҳида таъкидлади: "Бу йилги барча қатнашчилар фавқулодда зукко ва билимдон. Бу, ҳеч шубҳасиз, юртимизда китобхонликка бўлган эътиборнинг йил сайин ривожланиб бораётгани мевасидир".

Чиндан ҳам, улкан экранлар орқали ҳар учала ёш тоифасидаги китобхон болаларнинг чиққини кузатар эканмиз, Қорақалпоғистондан Андижонга, Тошкентдан Сурхондарёгача бўлган ҳудудлардан келган бу билимдонлар ўз ҳудудлари шарафини ҳимоя қилиш ҳамда Президентимиз совғасига муносиб бўлиш учун бор куч-ғайратини, салоҳиятини ишга солди. Майдонда — кучлилар, уларнинг билимига бош мезон эса адолат бўлди.

Фарзанди саҳнага чиққанда монитор қаршида кўзда ёш билан теппа-тег пичирлаётган ота-оналар, набирасини дуо қилиб турган бобо-бувилар, шоғирди ортидан парвона бўлган устозлар, опаси ё акасини қўллаб-қувватлаш учун келган жажжи ва мурғак издошлар — буларнинг бари Бекобод туманига янги илҳом ва бетакрор ҳиссиётлар бахш этди.

Бизни ҳаяжонлантирган яна бир қувончли ҳолатни ҳам айтишимиз жоиз. Бекобод туманидаги 42-мактабнинг 7-синф ўқувчиси, оддий сувчининг фарзанди Одинахон Сувоққулова бу йилги "Ёш китобхон" танловининг республика босқичида 10-14 ёшлар ўртасида иштирок этгани, Тошкент вилояти ва туманимиз шарафини муносиб ҳимоя қилгани қалбларимизни гурурга тўлдирди.

Авалроқ бу китобхон қизимиз "Kitobxon kids" республика танловида фахрли 1-ўринни қўлга киритган эди. Одинахон ушбу ютуғи туманимизда китобхонлик маданиятини ривожлантиришда ажойиб намуна бўлди ва унинг хонадонидан туман жамоатчилиги томонидан 5000 та китобдан иборат кутубхона ташкил этиб берилди. Энди 14 ёшли қизчамизнинг уйда ўз шахсий кутубхонаси бор.

Президентимизнинг эзгу мақсадлари ҳам аслида шу, яъни ҳар бир онла китобга дўст бўлсин, униб-ўсиб келаётган фарзандларимиз китоб билан бирга улғайсин. Чунки онларларда китоб ўқишлиши жамиятнинг юксалиши ва ютуғидир.

Бундай эзгу ишлар жадал давом эттирилиб, туманимизнинг маънавий Бекобод марказий кутубхонасини барпо этиш бошланди. Барча шароитларга эга бўладиган замонавий бино маскани мустақиллигимизнинг 35 йиллик байрами арасида фойдаланишга топширилиши ҳақида эшитиб, бир қувончимизга ўн қувонч қўшилди. Бундай кутубхоналар энди тумандаги 51 та маҳалланинг ҳар бирида ташкил этиладиган бўлди.

Шунингдек, ўтган бир йил давомида "Ҳар мактабга 100 китоб" ташаббуси ва бошқа маданий тадбирлар доирасида 60 та умумтаълим ва 3 та хусусий мактабга 20 мингта энг сара адабиёт соғил қилинди.

Ушбу китобларни топшириш тадбирлари чинакам маърифат байрағига айлиниб кетди. Чунки ушбу тадбирлар доирасида туманимизга 500 дан зиёд олим, таниқли шоир ва ёзувчилар, сенаторлар, журналистлар ва санъаткорлар ташриф буюрди.

Ўтган йили туманимизда Қишлоқ хўжалиги ҳодимлари куни муносабати билан ўтказилган Ҳосил байрами бир ажойиб жиҳати билан кўпчилиكنинг ёдида қолди. Яъни ушбу байрамга бағишлаб ташкил этилган улук-кўпқари мусобақасида бош соврин сифатида 1000 та китоб қўйилгани, моҳир чавандоз ва полвонлар айнан мана шу гоғат қимматли маънавий бойликка эришиш учун астойдил куч синашгани бутун республикага хушхабар бўлиб ёйилди.

Туманимизда китобга бўлган шундай ҳурмат-эҳтиром "Ёш китобхон" танлови бу йил айнан Бекободимизда ўтказилишига пойдевор бўлгани биз, зиёлилар қалбини чексиз гурур ва ифтихорга тўлдирди.

Давлатимиз раҳбари ҳар гал китобхонлик ҳақида сўзлаганида "Биз бугун болаларимизнинг қўлига китоб берсак, эртага улар мамлакатимизга буюк кашфиётлар ва улғувор ишлар туҳфа этадилар", деб таъкидлайди.

Биз бу сўзлар нақадар ҳақиқат эканига Бекобод бағрини китобнинг завқу шавқига тўлдирган ёшлар, мутлола маданиятига янада кучли туртки берган "Ёш китобхон" танлови мисолида гувоҳ бўлдик.

Муҳташам якун

Тўрт кун давомида барчанинг қалбига муҳрланиб улғурган муҳим танлов ниҳоясига етиб борар экан, Ёшлар ишлари агентлиги директори Алишер Саъдуллаев жуда қувончли



хабарни етказди. Яъни "Ёш китобхон" танлови тарихида илк маротаба бош соврин, яъни Президент совғасини бу йил давлатимиз раҳбарининг шахсан ўзи топширади. Ана энди ёшлар кўзидagi фахру ифтихорни, ота-оналар қалбидagi шодлиқни кўринг!

Танлов жароғини ҳис-ҳаяжонлар бир тараф бўлди-ю, ушбу хушхабар шодлиги ҳаммади руҳлантириб юборди. Ўзини таъаввур қилинг, муносиб иштирокчилар ва голибларни шахсан Президентимизнинг ўзи қутласа, барча иштирокчилар билан шахсан учураса, бу катта бахт-ку ахир!

Ниҳоят натижалар эълон қилиниб, Бекобод тумани бағри табриклару шодон қийқириқлар, севинч кўз ёшларини гундасталарга тўлган бир пайтда биз — бекободликлар ҳаммадан ҳам хурсанд эдик.

Боиси, чекка ва олис, қолоқ туман деб атаб келинган Бекободимиз китобхонлик ва маърифат тантанасига мезбонлик қилди. Ушбу танловни юқори савияда ўтказишдек ишончини оқлашга бутун жамоатчилик бирлашиб ҳаракат қилдик.

Тадбир якунида сўз олган ҳайъат раиси, профессор Баҳодир Каримнинг "Қаерда

китобхонлар йиғилса, қаерда китоб ҳақида фикр айтилса, ўша жой мамлакатнинг маънавий маркази саналади. Мен бугун Бекобод тумани ана шундай марказ деб биламан. Чунки танловни ҳозиргача пойтахтимизда қандай ўтказган бўлсак, бу ерда ҳам худди шу даражада — юқори савияда ташкил қилинган. Юртимизнинг 14 ҳудудидан келган болалар Бекободда ўтган ушбу танлов ҳақидаги ёрқин таассуротларини ўзлари билан олиб кетади ва умрбод фахрланиб гапириб юришади", дея эътироф этгани ҳар бир тумандошимиз қалбини тўлқинлантириб юборди.

Жигарбандимиздек бўлиб қолган ёш китобхонлар ва уларнинг ҳамроҳларини кузатар эканмиз, уларнинг кўзидagi қувонч ва миннатдорликни кўриб, ўзимизга билдирилган ишончини оз бўлса-да уддалганимизга беҳад шод эдик. Яна бир қувонган жиҳатимиз — эртага бу қоракўз ёшлар давлатимиз раҳбари билан учраиши бахтига муяссар бўлгани эди.

Шу боис, бутун туман аҳли улар билан қайта-қайта суратга тушиб, бемисл ҳавас ва дуолар билан пойтахтга кузатдик.

Эртасига — 22 май куни шуб қоракўзларни бутун мамлакатимиз таниди, тан олди ва ҳавас қилди. Юртимиз етакчиси яна бир улкан лойиҳага — Миллий китобхонлик ҳаракатига старт берар экан, аввало, "Ёш китобхон" танлови ва иштирокчиларига алоҳида эътибор қаратди. Тадбир давомида ёшларни табриклар экан, "Ҳеч қачон унутманглар, азиз ўғил-қизларим! Зиёли ва маърифатли халқни дунёда ҳеч бир куч енга олмайди", дея таъкидлади.

Гарчи асосий соврин — автомашина соҳибларига ҳавас қилган бўлсак-да, ўша ерда ҳозир бўлган 42 иштирокчига бирдек насиб қилган олий мукофот бизни гоғат хурсанд қилди. Бу мукофот Президент билан учраиши бахти, бевосита суҳбатлашиши ва бирга суратга тушиш шарафи эди.

Шу ўринда бугунги ёшларга ҳавас қилиб айтаемизки, биз узоқ йиллар мактабда дарс бериб, жамоат фаоли бўлиб бутун миллатни бирлаштирадиган бундай китобхонлик ҳаракатини кўрмаганмиз. Энди айтнинг, йиллик мукофот фонди 240 минг доллар, биринчи ўринни олганга 50 минг доллар, қаерда бор бундай эзгу ҳаракат!

Давлатимиз раҳбари ушбу янги ва кенг миқёсдаги китобхонлик ҳаракати моҳиятини тушутирар экан "Ҳар қандай миллатнинг буюклиги, аввало, унинг илмга бўлган муносабатида, китобхонлик маданиятида намойен бўлади. Бугун старт олаётган дастур мамлакатимизда китобхонликни мутлола юксак даражага олиб чиқилишига ишончим комил", деб ёшларимизни руҳлантирди.

Шундай эзгу мақсадлар юртимизни китобхон мамлакатга айлантиришни ўйлаб, биз бекободликлар ҳам чексиз куч ва илҳомга йўғрилдик. Фарзандларимиз, келажак авлодларимиз тақдирини учун барчамиздан кўп қайғураётган Президентимизга дил-дилимиздан раҳматлар айтдик.



Умуман, давлатимиз раҳбарининг зиёлиларга, китобхонларга, адиб ва шоирларга, маданият ва санъат намояндаларига кўрсатган чексиз эътибор ва эътирофи учун биз ўқитувчилар ва ижод аҳли ҳамиша чуқур таъзимдамиз. Сўзимиз ниҳоясида мамлакатимиз етакчисига ваъда бериб айтаемизки, Бекобод тумани миллий китобхонлик ҳаракатида ҳам энг илғор ва пешқадам худудлардан бири бўлади. Чунки энди бекободликлар қалбида Президентимизнинг улкан ишонч ва эътиборлари ҳамда "Ёш китобхон" танловининг унутилмас таассуротлари ўчмас маънавий имзо бўлиб муҳрланди.

Умия ҲАЙДАРОВА,  
Ўзбекистон халқ ўқитувчиси  
Ашуралӣ БОЙМУРОД,  
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир,  
"Дўстлик" ордени соҳиб  
Ғанимат АБДУҒОФУРОВА,  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими



Президентимизнинг шу йил 26 майдаги “Кичик бизнес субъектларининг ўсиши учун янада қулай иқтисодий ва маъмурий шароитлар яратиш тўғрисида”ги фармони ҳам мамлакатимиз тадбиркорлари қизгин кутиб олди. Кўпчилик учун бу кутилмаган хабар бўлди.

www.yuz.uz yuz.uznews yuz\_official yuz.uz\_news

Кун мавзуси

Фойда солиғи ноль фойиз

Кичик бизнес эгалари учун янги имтиёзлар берилмоқда

Бошланиши 1-бетда

Кейинги йилларда бу жараён янада самарали механизмга ўзгарди. Энди асосий оқиқ мулоқотта қадар ҳам тадбиркорлар билан мутасадди ташкилотлар ўртасида йил давомида учрашувлар ташкил этилиб, муаммо ва камчиликлар мунтазам муҳокама қилинапти.

Президентимизнинг шу йил 26 майдаги “Кичик бизнес субъектларининг ўсиши учун янада қулай иқтисодий ва маъмурий шароитлар яратиш тўғрисида”ги фармонини ҳам мамлакатимиз тадбиркорлари қизгин кутиб олди. Кўпчилик учун бу кутилмаган хабар бўлди.

Гап шундаки, мазкур фармонда кичик бизнес субъектлари учун солиқ режими янада қулайлаштириш, қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) маъмуриятининг содда-лаштириш орқали айланмаларини очиклаш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган муҳим ўзгаришлар назарда тутилган.

рувлар қисқартирилиб, ҳисобот топшириш мажбурияти бекор қилинади. Булар оддий энгилликлар эмас, баъзи тадбиркорларнинг оёғига йиллар давомида тушов бўлиб

келаётган катта оғирликни олиб ташлашдир. Кичик бўлса-да бизнесини юритиб келаётган минглаб юртдошларимизнинг қувончи боиси шунда.



Тадбиркорлар ҳам бирин-кетин ушбу фармонга муносабат билдириб, энгилликлар аҳамиятини шарҳлай бошлади. Чунки назарда тутилаётган ўзгаришлар бевосита уларнинг фаолияти билан боғлиқ. Масалан, фармон билан 2026 йил 1 июндан бошлаб умумий овқатланиш, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги тадбиркорларга ҚҚСни ҳисоблаш ва тўлашини янги соддалаштирилган тартибни танлаш ҳуқуқи берилмоқда.

“Сўнги кунларда кичик бизнес учун шароитлар энгиллаштирилиши ҳақидаги турмондан илқ қутиб олинганини кўриб туришимиз. Бу масала анчадан буюн тадбиркорлар учун оғриқли бўлиб келаётган эди. Худудларга сафарлар чоғида улар ҚҚС тўлашга ўтиш бўйича 1 миллиард сўмлик чегара жуда пастлиги, солиқ маъмуриятчилиги мураккаблиги, текширув ва ҳисоботлар эса ҳаддан ташқари кўпчилигини таъкидлаб келишарди. Натижада бизнес хотиржам ривожланиш ўрнига сунъий равишда бўлинишга мажбур бўлаётган эди. Президентимиз имзолаган фармонга мувофиқ, ушбу чегара 5 миллиард сўмгача оширилди. Бунинг самарасини, энг аввало, оилавий корхоналар, кафелар, дўконлар, хизмат кўрсатувчилар, бир сўз билан айтганда, ўзининг кундалик меҳнати билан мамлакатимиз иқтисодиётини ҳара-катта келтираётган минглаб инсонлар ҳис қилади”, деб ёзди Саида Мирзиёева.

Тадбиркорлар ҳам бирин-кетин ушбу фармонга муносабат билдириб, энгилликлар аҳамиятини шарҳлай бошлади. Чунки назарда тутилаётган ўзгаришлар бевосита уларнинг фаолияти билан боғлиқ. Масалан, фармон билан 2026 йил 1 июндан бошлаб умумий овқатланиш, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги тадбиркорларга ҚҚСни ҳисоблаш ва тўлашини янги соддалаштирилган тартибни танлаш ҳуқуқи берилмоқда.

Мазкур янги тартибга кўра, ҚҚС ставкаси 6 фойиз этиб белгиланади, фойда солиғи 0 фойиз бўлади ва ҳисобот

топшириш мажбурияти бекор қилинади. Кафе, ресторан ва меҳмонхоналар қатор энгилликлар жорий этилиб, айрим ходимларни соддалаштирилган тартибда расмийлаштириш имконияти яратилади. ҚҚС гувоҳномасини тўхтатиб туриш амалиёти ҳам бекор бўлади, 10 миллион сўмгача бўлган манфий ҚҚС суммаси автоматик тартибда қайтарилади ва ҳоказо.

Бу имтиёзларнинг амалиётда қанчалик манфаатли эканини шу соҳа одамларидан кўра ҳеч ким яхшироқ билмас керак. Шу боис, фармонда назарда тутилган янги тартиб ва имтиёзлар мамлакатимиз тадбиркорлари фаолиятига қанчалик таъсир кўрсатиши билан қизиқдик. Ахир тақлиф ва ташаббусларнинг аксарияти бизнес эгаларининг ўзлари томонидан билдирилган.



ҚҚС АВТОМАТИК ҚАЙТАРИЛАДИ

Мамлакатимиз тадбиркорлари бизнесини қўллаб-қувватлашга қаратилган янгилик ва ўзгаришларни доимий равишда кутиши оддий ҳолга айланиб қолди. Бу ниҳоятда ижобий тенденция. Мана шунинг ўзи-ёқ давлат ва бизнес ўртасидаги ишончли мулоқот мустаҳкамлаб бораётганидан далолат. Айнан тадбиркорлар бераётган тақлифлар, кўрсатаётган муаммоларнинг ечимини амалий қарорларда ўз аксини топапти. Давлатимиз раҳбарининг навбатдаги фармони ҳам бунинг яққол мисоли.

Унда нафақат кичик бизнес вакиллари, балки юртимизнинг барча тадбиркорлари учун муҳим энгилликлар берилляпти. Айниқса, ҳисобот топширишининг бекор қилиниши ва маъмурий жараёнларнинг энгиллаштирилиши ҳақида гап борганида, бу билан тадбиркорнинг энг асосий муаммоси ечим топаётгани кўринади. Чунки айнан шу амалиёт бизнес эгаларининг энг кўп вақтини олиб, ортиқча овозагарчилигига сабаб бўлиб келмоқда.

Ҳар гап учрашувларда камда бир марта шу масала ўртага ташланади. Тўғри, ҳозир текширувлар ва қозғозлик аввалгидек эмас. Аммо охири вақтларда турли текширувларнинг нисбатан яна ортгани кузатилиб, бу тадбиркорларнинг кескин эътирозини келтириб чиқараётганда. Ҳатто бу масала ижтимоий тармоқларда ҳам муҳокама қилинганини кўпчилик билади. Мана шу муаммога дарҳол ечим берилгани, тадбиркорларнинг талаби қисқа муддатда қаноатлантирилгани кўпчилик учун кутилмаган ҳолат бўлди. Шу боис, бизнес вакиллари мазкур фармонни катта хурсандчилик билан қабул қилди.

Албатта, бу ягона энгиллик эмас. Фармонда ўзим бевосита фаолият юритадиган ресторан ва хизмат кўрсатиш соҳаси учун муҳим бошқа бир неча янгилик ҳам кўзда тутилган. Хусусан, тадбиркорларга солиқ тизимини таъминлаш бўйича қўшимча имконият берилляпти. Яъни айрим корхоналар соддалаштирилган тартибни танлаш орқали 6 фойиз ҚҚС тўлайди, фойда солиғидан озод қилинади. Лекин бу барча тадбиркорлар автоматик тарзда фойда солиғини тўламайди дегани эмас.

Ҳар бир корхона ўзининг бизнес модели ва иқтисодий ҳисоб-китобидан келиб чиқиб, ўзига фойдалироқ тизимни танлайди. Масалан, компаниямизда етказиб бериувчиларнинг деярли барчаси ҚҚС тўловчилар ва ҚҚС тизимига ишлаш биз учун иқтисодий жиҳатдан мақбурроқ, ҚҚС ўтиш чегарасининг 5 миллиард сўмгача оширилиши ёки 6 фойзли соддалаштирилган тизимнинг ихтиёрий экани




Даврон ҲАМИДОВ, “Memories Group” ресторани тармоғи таъсисчиси

ва йирик солиқ тўловчи компанияларга жорий этилмаслиги боиси ҳам шунда. Яъни бу бизнинг каби катта компанияларнинг бизнес моделига катта таъсир кўрсатмаслиги мумкин, аммо кичик ва ўрта бизнес учун ижобий қарор деб биламан ҳамда янги тизим уларнинг фаолиятида қўшимча имкониятларни очиб бериши мумкин.

Бироқ ҚҚСни автоматик қайтариш механизми, текширувлар сонининг камайиши ва маъмурий жараёнларнинг соддалаштирилгани биз учун ҳам, бошқа тадбиркорлар учун ҳам жуда фойдали ўзгаришдир. Биргина ҚҚС бўйича қайтарилиши берган бўлса, маблағини олиш мудири оилайлик. Бу биз учун муҳим масала бўлиб келган. Чунки етказиб бериувчилар билан асосан банк орқали ишлашимиз ва катта ҳажмдаги ҚҚС шаклланади. Шу боис, ушбу солиқдан шаклландиган кешбеклар ва маблағларнинг тезроқ ҳамда автоматик қайтарилиши бизнес учун муҳим. Айнан шу йўналишда автоматик қайтариш механизмининг жорий этилаётгани жуда катта янгиликлардан.

Айрим ходимларни соддалаштирилган тартибда расмийлаштириш имконияти яратилаётгани ҳам анча қулайлик туғдиради. Гап шундаки, ресторан бизнеси инсон

ресурслари билан боғлиқ йўналиш. Компаниямизда ҳам 500 дан ортиқ ишчи меҳнат қилади. Бу кичик рақам эмас. Шу боис, ишга қабул қилиш ва расмийлаштириш жараёни қанчалик содда бўлса, тадбиркор учун ҳам, ходим учун ҳам шунчалик қулай. Қолаверса, бу норасмий бандликни камайитиришга хизмат қилади. Жараён оддий ва тушунарли бўлса, ходимларни қонуний расмийлаштиришга рағбат ортади. Натижада ҳар бир ходимнинг ижтимоий ҳимояси кучайиб, бизнес янада шаффоф ишлайди.



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАКЛПҚ ТИЛИДА ҲАМ ҲИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

ҲАР БИР ИШ ЎРНИ РАСМИЙЛАШТИРИЛАДИ

Тадбиркорлар ушбу фармонни бирдан катта ҳаяжон, юқори ишонч ва ижобий кайфиятда қабул қилгани бежиз эмас. Бизни қувонтираётган асосий сабаб — йиллар давомида бизнеснинг ўсишига тўсқин бўлган энг оғриқли нуқталар, хусусан, катта солиқ юки, мураккаб ҳисоботлар ва тинимсиз текширувлар бир вақтнинг ўзида энгиллаштирилди. Бу — энди тадбиркорлар эркин нафас олади, бор эътиборини текширувларга эмас, бизнесини ривожлантиришга қаратади дегани.

Очигини айтганда, тадбиркорлар учун қўшимча энгилликлар берилишини кутгандик. Чунки бизнес вакиллари билан доимий мулоқотлар давомида кўтарилаётган масалаларга ечим берилиб, амалиётда жорий этилиши юртимизда анъанага айланиб улгурди. Аҳамиятисиз, бу жараёнларда бевосита тадбиркорларнинг ўзи иштирок этаяпти.

Лекин фойда солиғининг 0 фойиз этиб белгилалиши ҳамда ҳисоботларнинг бекор қилиниши, тўғриси, кутганимиздан ҳам ортиқроқ. Ва булар биз учун кутилмаган совға бўлди. Қолаверса, фармон билан кичик ва ўрта бизнес учун берилаётган ҳар бир имтиёз замирида катта имкониятлар бор. Масалан, илгари йиллик айланма-миз 1 миллиард сўмдан ошса, даровор оғир солиқ тизимига ўтардик, энди бу чегара деярли 5 миллиард сўмгача оширилди.



Лола МИРЗАЕВА, “KHIVA PLAZA” МЧЖ ҳамда “Farovon Hotels Group” раҳбари

Яъни солиқ солишининг умумбелгиланган тартибига ўтиш учун чегаравий миқдор БҲМнинг 12 миңг баравари этиб белги-ланмоқда.

Солиқ имтиёзлари доим тадбиркорга қулайлик беради. Чунки бизнес эгалари даромадининг катта қисми солиқларга тўланади. Масалан, корхонамиз ўтган йили 1,5 миллиард сўмдан кўпроқ қўшимча қиймат солиғи тўловини тўлаган. Бундан ташқари, умумий овқатланиш ва меҳмонхоналар соф фойдасидан 15 фойиз фойда солиғи

тўланади. Янги фармон билан эса энди ана шу солиқ тўловларининг бири икки баробар қисқартирилиб, бошқаси ноль фойизга тушириляпти. Бу тадбиркор фойда солиғини тўлашдан озод бўляпти дегани. Давлат бу орқали ишбилармоннинг топган соф фойдасини ўзида қолдириб, бизнесни қайта инвестиция қилиш ва кенгайтиришга рағбатлантирмоқда.

Корхонамиз асосан аҳоли ва сайёҳларга тўғридан тўғри хизмат кўрсатгани боис, ушбу солиқ имтиёзларидан тўлиқ фойдаланишни режалаштиряпмиз. Чунки бу — ҳақиқий энгиллик. Қолаверса, тадбиркор фойда солиғи ҳисоботини топширишдек “бош оғриғи”дан ҳам қутулади. Илгари ҳисобот учун ҳар бир сотиб олинган маҳсулотнинг, ҳар бир чикмининг ҳужжати йингилиб, мураккаб баланслар тузиш керак эди. Бу бухгалтерия учун ортиқча иш ва вақт йўқотиш бўлган. Бу ҳам камдек, корхона томонидан жўнатилган ҳисоботлар, албатта, солиқ органлари томонидан текширилиб, оидинлик киритилган. Солиқ ташкилотларига тасдиқловчи ҳужжатлар олиб борилмагунча ҳисоботларимиз қабул қилинмаган. Энди ана шундай овозагарчиликлар сабаб сарсон бўлмаймиз.

Тадбиркорни энг кўп қийнайдиган яна бир масала — солиқ текширувларининг кўпчилиги, ҚҚС гувоҳномасининг асоссиз блоклаб қўйилиши, контрагентлар билан

юзга келаётган муаммоли ҳолатлар эди. Кейинги йилларда булар анча юмшати-лганига қарамай, ҳамон сақланиб қолаётган айрим муаммолар кўплаб ишбилармон-ларнинг эътирозига сабаб бўлаётганда. Ана шу масаладаги муносабатларимизга ечим берилгани кўнглимиздаги иш бўлди. Яъни 2028 йилгача кичик бизнес учун ай-рим солиқ аудитлари ва сайёр текширув-лар қисқартирилади.

Салкам 24 йилдан буюн туризм ва меҳмонхона йўналишида фаолият юритаман. Юзлаб ходимлар билан ишлаймиз. Бугун 200 дан ортиқ кишининг бандлигини таъминлаганмиз. Фаолиятим давомида на-фақат иш ўрни очиб, балки ҳар бир ходим учун муносиб меҳнат шароитини таъмин-лаш, касбий ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратаман. Бунинг учун расмий иш ўринлари жуда муҳим.

Мазкур фармон билан энди, ҳатто мав-сумий ишчиларни расмийлаштириш ҳам жуда осон кўчади. Бу бизнинг йўнали-шимиздаги бизнес учун айна мудио. Гап шундаки, кафе ва меҳмонхоналарда мавсум-ий ходимлар (официантлар, фарошлар, ёрдамчи ишчилар) тез-тез алмашиб тура-ди. Илгари уларни ишга олиш ва бўшатиш соатлаб қозғозлик ва солиқ ҳисоботла-рини талаб қиларди. Жорий этилаётган янги ва содда тизим туфайли тадбиркор ходимини бир зумда қонуний рўйхатдан ўткази олади. Бу яширин ишчи сақлаш хавфини йўқотади, ходимлар ҳам қонуний маош ва стажга эга бўлади.

ҲИСОБОТЛАР ЮКИ ЭНГИЛЛАШМОҚДА

ортиқ вақт давомида сақлаб келинган ушбу амалиёт натижалари бунинг яққол исботи.

Тадбиркорнинг кўрқувини айнан ўшлар сабаб шаклланигани ҳам биз кейинроқ англадик. Бугун мамлакатимиз тадбиркор-ларининг эркин, кўрқувсиз фаолият юри-таётгани замирида ҳам ана ўша солиқ тек-ширувларининг кескин қисқартирилгани, тўловларнинг шаффоф тизимга ўтказилгани каби омиллар туради. Бу жараён янада тако-миллаштириляпти. Энди бизнес эгалари бир-ор муаммо юзга келса, ундан қочмаяпти, балки очик ўртага ташлаб, ечим сўраяпти.

Давлатимиз раҳбарининг навбатдаги фармонини тадбиркорлар катта қувонч билан кутиб олгани боиси шунда. Унда кичик бизнес учун янги солиқ имтиёзлари берилаётгани бир томон бўлса, текширув-ларнинг янада қисқартирилиши яна бир катта, кутилган қулайлик сифатида қабул қилинмоқда. Айрим ҳисобот ва маъмурий жараёнлар соддалаштирилиб, солиқ юки-нинг энгиллаштирилиши ва расмийлаштириш ишларининг осонлашиши ҳам тадбиркор-лар учун катта ёрдам бўлади.

Бу, аввало, бизнес эгалари ортиқча вақт ва маблағ сарфлайдиган жараёнларни

қисқартиради. Масалан, йирик компания-ларда профессионал молиячи ва бухгал-терлар жамоаси ишлагани боис, жараён унчалик қийинчилик туғдирмаслиги мум-кин. Аммо кичик бизнесда корхона эга-сининг ўзи имкониятидан келиб чиқиб, бир вақтнинг ўзида ҳам раҳбар, ҳам ме-нежер, ҳам молиячи вазифасини бажар-ади. Кўпинча асосий вақти бизнесини ривожлантиришдан кўра, ҳужжатларни тартиблашга кетиб қолади. Ҳисоботлар сонининг қисқариб, назорат жараёнининг соддалаштирилиши эса кичик ва ўрта биз-нес эгаларига қулайлик яратади.

Ўзим ҳам кўп йиллардан бери бухгал-терия соҳасида ишлаб келаётганим, кор-хонамиз тадбиркорларга шу йўналишда хизмат кўрсатгани боис, имзолаган фар-монни жуда ижобий қабул қилдим. Ай-ниқса, фойда солиғининг ноль фойиз этиб белгилалиши мен учун ҳам кутилмаган бўлди. Бу белгиланган шартларга мос келадиган тадбиркорлар муайян муддат-да фойда солиғини тўламаслиги мумкин дегани. Илгари фойдадан маълум фойза солиқ тўланган бўлса, энди ўша маблаг тадбиркорнинг ўзида қолиб, бизнесни кен-гайтиришга сарфланади.

Умуман, биз — тадбиркорлар билдирган кўплаб тақлифлар фармонда ўз ечимини топган. Яна бир қулайликни таъкидлашни истардим. Энди умумий овқатланиш ва меҳ-монхона хизматлари соҳасида ходимларни соддалаштирилган тартибда, яъни бир кун-лик ёки 7 кунлик каби қисқа муддатга ҳам ёллаш мумкин. Бу ҳам ходимлар бандли-гини расмийлаштириш механизмларидан бири бўлиб, одамларга муносиб меҳнат ша-роитларини яратишни таъминлайди.

Албатта, ҳар қандай янги тизимга мослашиш учун муайян муддат керак. Эмо умумий ҳисобда, белгиланган ўзга-ришлар тадбиркорлар фойдасига хизмат қилади. Айниқса, ҳисобот жараёнларин-нинг соддалаштирилиши ва солиқ соҳа-сидаги энгилликлардан самарали фойда-ланишни режалаштиряпмиз. Бу орқали вақтни тежаб, бизнесни янада ривожлан-тириш имконияти пайдо бўлади.

Очиги, тадбиркорларга берилаётган янги имконият ва имтиёзлар давлатимиз раҳбарининг бизга бўлган ишончи бел-гисидир. Бунга муносиб жавоб сифатида юртимиз иқтисодиётини ривожлантириш, янги иш ўринлари очини ва халқимиз фаворонлигини оширишга тайёриймиз.



Моҳирур РАҲИМЖОНОВА, хусусий тадбиркор

Тадбиркорлар учун солиқ тў-лови ва ҳисоботлар доим асосий масалалардан бўлиб келган. Бу жараён қанча қийин, босимли, ортиқча текширув ва қозғозликларга тўла бўл-са, бизнес юритишда шаффофлик шунча камайиб боради. Ишбилармон ўша қийин-чиликлардан қочиб, яширин иқтисодиётга ўта бошлайди. Гап унинг ноқонуний ёки яширин фаолият юритишда эмас, балки ортиқча овозагарчиликлардан безгани, вақтини беҳуда сарфлашни истамагани билан боғлиқ. Мамлакатимизда 25 йилдан



Инсон саломатлиги жамиятдаги ижтимоий ишонч муҳитига ҳам кучли таъсир кўрсатади. Оддий мисол. Ўзи ёки оила аъзоларидан бири бетобликдан азият чекаётган инсон малакали тиббий хизматдан фойдалана олса, мураккаб вазиятда ўзини ёлғиз ҳис қилмаса, ана шунда давлатга, ислохотларга ишонч ҳам мустаҳкамланади.

2026 йил 2 июнь, 110-сон


www.yuz.uz yuz.uznews yuz\_official yuz.uz\_news yuz.uz\_news



Дунёда инсон умридан, саломатлигидан улғурок бойлик йўқ. Янги Ўзбекистон тараққиётининг марказида эса инсон қадрли тушунчаси энг аввалги ўринда. Шу юртнинг ҳар бир фарзанди ўзини ҳар томонлама ҳимояланган ҳис қилиши, ҳусусан, малакали, сифатли тиббий хизматдан фойдаланиш имконига эга бўлиши, биринчи навбатда, халқнинг давлатга, бугунги ва эртанги кунига ишончини мустаҳкамлайдиган асосий омиллардан.

# ТИББИЁТ ТИЗИМИГА ИШОНЧ

## Жамиятдаги умумий адолат туйғусини ҳам кучайтиради



Аслиддин АБДУРАЗЗОҚОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

Кейинги йилларда соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар ана шу улғурок мақсад йўлидаги муҳим қадамлардан бўлди. Янги шаффоқлар қурилиб, замонавий ускуналар билан жиҳозланди, юқори технология амалиётлари сони ортиб, тиббиётнинг кўп қисми йўналишлари янги босқичга кўтарилди. Аммо бу ҳали ҳаммаси мукаммал ҳаракатдан, ривожланишдан тўхтаб қолмашига ҳаққимиз бор дегани эмас. Тобора шиддат билан тараққиёт пиллавоасидан илдамлаётган давр тизимдан янада чуқур ўзгаришларни, бошқарувда мутлақо янги ёндашувларни талаб қилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 5 майдаги “Соғлиқни сақлаш тизимида бошқарув самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ана шу эҳтиёждан тузилган тарихий ҳужжат, замонавий айти йўналишда қаршимизга қўётган саволларга муносиб жавоб бўлди. Кенгрок тушунирсак, қарорда бошқарув маданияти, стратегик режалаштириш, илмий таҳлил, клиник назорат, жамоатчилик билан мулоқот, рақамлаштириш ва профессионал жавобгарлик сингари масалалар ягона тизим ҳолатида кўришмоқда. Уларнинг ҳар бири ҳақида қисқача мулоҳаза юритишни мақсад қилдик.

### Институционал асос

Тарихга назар ташланса, ҳар қандай буюк цивилизация негизда тўғри бошқарув сиёсати, инсон қадрли ва тақдирини улуғлаш, соғлом ва баркамол авлод тарбиясига алоҳида эътибор қаратилганини кузатиш мумкин. Қадимги Шарқ табобати, юнон тиббий мактаблари, Мовароуннаҳрдаги илм марказлари — буларнинг барчаси инсон саломатлигига жамиятнинг маънавий ва маданий даражасини белгиловчи мезон деб қараган кишиларнинг тафаккури маъсули эди. Зеро, инсон ҳаётига муносабат давлатнинг ўз халқига муносабатини ҳам акс эттиради.

Бугун замонавий давлат қудрати фақат иқтисодий кўрсаткичлар билан ўлчанмайди. Аҳолининг умр давомийлиги, оналар ва болалар саломатлиги, тиббий хизматлардан фойдаланиш имконияти, факулдада вазиятларга таъйирилик даражаси, профилактика тизимининг ишлаши каби омиллар ривожланишининг энг муҳим мезонлари қаторида турибди. Сўнгги йилларда дунё бошдан кечирган пандемия сингари оғир синовлар ҳам бунинг яққол далилидир. Ўзи соғлиқни сақлаш тизими заиф бўлган жамиятлар энг мураккаб вазиятларда катта йўқотишларга дуч келади. Тиббиёт фақат касаллик пайтида эсланадиган соҳа эмаслиги, у миллий ҳавфсизлик, иқтисодий барқарорлик ва ижтимоий оқсоқиллик билан бевосита боғлиқ тизим эканини жаҳон аҳли янада чуқур англаб етди.

Шу нуқтага назардан, Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга қаратилган ислохотлар стратегик характер касб этмоқда. Чунки соғлом жамият бўлмаса, тараққиётнинг бошқа йўналишлари ҳам тўлиқ самара бермайди. Айтايлик, янги-янги мактаб, олийгоҳлар қуриш, санат корхоналари барпо этиш, улкан иқтисодий лойиҳаларни амалга ошириш ҳам мумкин. Бироқ инсон ва жамият саломатлиги, ҳавфсизлиги тўла маънода таъминланмас экан, бу ютуқларнинг барқарорлиги ҳавф остида қолаверди. Шу бос, тиббиёт тизимини мунтазам модернизация қилиб бориш аслида соғлом келажак пойдеворини мустаҳкамлаш демакдир.

Фармон билан аҳоли саломатлиги кўрсаткичларини яхшилаш масаласининг алоҳида мақсад сифатида белгилашда чуқур стратегик маъно мужассам. Бу ерда гап жамиятнинг умумий ҳаёт сифати, меҳнат унумдорлиги, оилалар барқарорлиги, ёш авлоднинг жисмоний ва руҳий саломатлиги ҳақида бормоқда. Соғлом инсонгина ўз келажакига ишонч билан қарай олади. Демак, соғлиқни сақлаш тизимига йўналтирилган ҳар қандай маблағ мамлакатнинг эртанги кунига киритилаётган сармоядир.

Ривожланган мамлакатларнинг тиббиёт тизимига катта маблағ сарфлаётгани ҳам беиз эмас. Негаки касалликнинг олдини олиш уни даволашдан анча арзонга тушириш алоҳида ўз исботини топиб улғурган ҳақиқат. Сифатли тиббий хизмат эса миллионлаб инсонларнинг фаол ҳаётини узайтиради. Шу жиҳатдан, тиббиётдаги ҳар бир тўғри бошқарув қарори иқтисодиётга ҳам, ижтимоий барқарорликка ҳам хизмат қилади.

Мазкур фармонда стратегик режалаштириш, прогнозлаш ва таҳлил тизимига катта эътибор қаратилгани ҳам айнан мана шу зарурат билан боғлиқ. Замонавий тиббиёт муаммони бугуннинг ўзида ҳал қилиш билан бир қаторда эртанги ҳавфларни олдиндан кўра билиши керак. Аҳоли сонининг ўсиши, урбанизация, экологик омиллар, тўғри овқатланиш маданияти, турмуш тарзи билан алоқдор ҳаёт учун таҳлилий маълумотлар таяёрлаш мақсадида Саломатлик ва стратегик ривожланиш институти негизда ташкил этилган Аҳоли саломатлигини таҳлил қилиш илмий-тадқиқот маркази ана шундай тузилмалардан. Ушбу марказ қарор қабул қилиш учун аналитик асос ярадади. Яъни энди соғлиқни сақлаш сиёсати аниқ маълумотлар таҳлили ва прогнозлар асосида шакллантирилади.

Фармон билан соғлиқни сақлаш тизимида янги турдаги институтлар шакллантирилмоқда. Соғлиқни сақлаш соҳасида давлат сиёсатининг самарадорлигини баҳолаш, аҳоли саломатлиги кўрсаткичларини таҳлил қилиш ва прогнозлаш, илмий тадқиқот ишларини амалга ошириш ҳамда стратегик қарорлар қабул қилиш учун таҳлилий маълумотлар таяёрлаш мақсадида Саломатлик ва стратегик ривожланиш институти негизда ташкил этилган Аҳоли саломатлигини таҳлил қилиш илмий-тадқиқот маркази ана шундай тузилмалардан. Ушбу марказ қарор қабул қилиш учун аналитик асос ярадади. Яъни энди соғлиқни сақлаш сиёсати аниқ маълумотлар таҳлили ва прогнозлар асосида шакллантирилади.

Клиник аудит инспекциясининг ташкил этилиши эса тизимда янги турдаги назорат маданияти пайдо бўлишига хизмат қилади. Инспекция тиббиёт муассасаларининг фаолияти, хизмат сифати ва клиник стандартларга риоя этилишини мустақил баҳолайди. Шу орқали тизимда ички назоратдан ташқи ва профессионал назоратга ўтиш жараёни бошланади. Бу эса сифат масаласини субъектив қарашлардан чиқариб, аниқ мезонларга боғлайди.

Яна бир муҳим жиҳат — тиббиёт тизимида ахборот сиёсатининг алоҳида институт даражасига кўтарилди. Соғлиқни сақлаш соҳасидаги аниқликлар, тиббий хизматлар ва давлат сиёсатини жамоатчиликка ҳолис ва тезкор етказиш, шунингдек, жамоатчилик фикр-мулоҳазаларини тизимли равишда йиғиш ҳамда таҳлил қилиш ва ахборот сиёсатини самарали ташкил қилиш мақсадида юридик шахс макрои таҳлил ҳамда давлат муассасаси шаклида Контент медиамарказининг ташкил этилиши орқали соғлиқни сақлаш соҳасидаги жараёнлар жамоатчиликка тизимли, тезкор ва изчил етказилиши кўзда тутилмоқда. Бу жамоатчилик фикрини ўрганиш ва таҳлил қилиш билан боғланган ички томонлама коммуникация моделидир. Шу билан бирга, “Call-markaz” ва қайта алоқа тизимининг жорий этилишини ҳам бошқарув фалсафасидаги ўзгаришнинг амалий ифодаси дейиш мумкин. Умуман, соғлиқни сақлаш тизими энди таҳлил, ваколат



кўрсатади. Тиббиёт халқаро консалтинг, экспертиза ва менежмент тажрибаси билан ўйналган ҳолда ривожланиши кўзда тутилмоқда. Бу эса бошқарувда ёпиқ тизимдан очик ва рақобатбардор тизимга ўтиш жараёнини тезлаштиради.

Фармон билан соғлиқни сақлаш тизимида янги турдаги институтлар шакллантирилмоқда. Соғлиқни сақлаш соҳасида давлат сиёсатининг самарадорлигини баҳолаш, аҳоли саломатлиги кўрсаткичларини таҳлил қилиш ва прогнозлаш, илмий тадқиқот ишларини амалга ошириш ҳамда стратегик қарорлар қабул қилиш учун таҳлилий маълумотлар таяёрлаш мақсадида Саломатлик ва стратегик ривожланиш институти негизда ташкил этилган Аҳоли саломатлигини таҳлил қилиш илмий-тадқиқот маркази ана шундай тузилмалардан. Ушбу марказ қарор қабул қилиш учун аналитик асос ярадади. Яъни энди соғлиқни сақлаш сиёсати аниқ маълумотлар таҳлили ва прогнозлар асосида шакллантирилади.

Клиник аудит инспекциясининг ташкил этилиши эса тизимда янги турдаги назорат маданияти пайдо бўлишига хизмат қилади. Инспекция тиббиёт муассасаларининг фаолияти, хизмат сифати ва клиник стандартларга риоя этилишини мустақил баҳолайди. Шу орқали тизимда ички назоратдан ташқи ва профессионал назоратга ўтиш жараёни бошланади. Бу эса сифат масаласини субъектив қарашлардан чиқариб, аниқ мезонларга боғлайди.

Яна бир муҳим жиҳат — тиббиёт тизимида ахборот сиёсатининг алоҳида институт даражасига кўтарилди. Соғлиқни сақлаш соҳасидаги аниқликлар, тиббий хизматлар ва давлат сиёсатини жамоатчиликка ҳолис ва тезкор етказиш, шунингдек, жамоатчилик фикр-мулоҳазаларини тизимли равишда йиғиш ҳамда таҳлил қилиш ва ахборот сиёсатини самарали ташкил қилиш мақсадида юридик шахс макрои таҳлил ҳамда давлат муассасаси шаклида Контент медиамарказининг ташкил этилиши орқали соғлиқни сақлаш соҳасидаги жараёнлар жамоатчиликка тизимли, тезкор ва изчил етказилиши кўзда тутилмоқда. Бу жамоатчилик фикрини ўрганиш ва таҳлил қилиш билан боғланган ички томонлама коммуникация моделидир. Шу билан бирга, “Call-markaz” ва қайта алоқа тизимининг жорий этилишини ҳам бошқарув фалсафасидаги ўзгаришнинг амалий ифодаси дейиш мумкин. Умуман, соғлиқни сақлаш тизими энди таҳлил, ваколат

тақсимоти, лойиҳа бошқаруви ва мустақил назорат механизмига таянган мураккаб институтлар маъмулига айланмоқда.

### Профессионал масъулият ва бошқарув маданияти

Ҳар қандай тизимнинг ҳақиқий қиёфаси уни бошқарётган инсонларнинг масъулиятида, қарор қабул қилиш тезлиги ва аниқлигида, энг муҳими, натижага муносабатида намоён бўлади. Бугунги ислохотлар айнан шу жиҳат — инсон омилни марказий ўринга олиб чиқмоқда. Фармон соҳада раҳбарлик тизимини бутунлай янги форматга ўтказишга хизмат қилади. Республика ва ҳудудий даражадаги тиббиёт муассасалари раҳбарлари билан меҳнат шартномалари чекланган муддатга, яъни беш йилгача тузилиши белгилади. Бу оддий ташкилий ўзгариш бўлмай, бошқарувда “натижа асосидаги раҳбарлик” тамойилига ўтишдир. Раҳбарлар белгилаган муддатда юритган самарали фаолияти билан баҳоланади.

Янги моделнинг энг муҳим талабларидан бири шунки, номзод раҳбарлик лавозимига тайинланган, янги муддатда, аниқроғи, олти ойда муассаса ривож бўлишига бизнес-режа ишлаб чиқиши ва уни Соғлиқни сақлаш вазирлигида ҳимоя қилиши зарур. Мазкур талаб, ўз навбатида, тиббиёт бошқаруви режалаштириш маданиятини олиб қиради. Ҳар бир шифохонада еки марказ ўз йўналишини олдиндан пухта ишлаб чиқилган стратегия асосида белгилади.

Шунингдек, раҳбарлар учун бир йил муддатда тиббиёт менежменти ва молиявий бошқарув бўйича малака ошириш мажбурияти белгилашни ҳам муҳим бурилишдир. Бу орқали тиббиёт раҳбарининг фақат клиник тажрибага эга бўлиши етарли эмаслиги, унинг иқтисодий, ташкилий ва стратегик билимларини ҳам эгаллаш бўлиши зарурилиги очик кўрсатиб берилмоқда. Чунки замонавий шифохона нафақат даволаш маскани, айна вақтда мураккаб молиявий ва бошқарув тизимига эга йирик ташкилот ҳамдир.

Бундан ташқари, тиббиёт муассасаси раҳбарининг бевосита тиббий амалиёт билан шугулланиши чекланади. Айрим ҳолларда фақат илмий-амалий мақсадлар учун рўхсат берилиши мумкинлиги кўзда тутилган. Мазкур қарор раҳбарнинг диққатини клиник амалиётдан бошқарувга тўлиқ йўналтиришга хизмат қилади.

Негаки бошқарув ва амалий тиббиёт бир пайтда тўлиқ самарали юритилиши ҳар доим ҳам мумкин эмас. Бундан буюн раҳбарнинг асосий вазифаси тизимни бошқариш, самарадорлигини ошириш ва ресурсларни тўғри йўналтиришдан иборат бўлади.

Муҳим янгиликлардан яна бири самарадорлиқни баҳолашнинг ягона мезони сифатида КРП тизимининг жорий этилишидир. Бунда тиббиёт муассасаси фаолияти бир нечта аниқ кўрсаткич асосида баҳоланади. Ушбу кўрсаткичлар орасида тиббий хизмат сифати, молиявий интизом, бошқарув самарадорлиги, рақамлаштириш даражаси, кадрлар сиёсати ва бошқа муҳим йўналишлар мавжуд. Белгилаган кўрсаткичларга эришилмаган тақдирда эса меҳнат шартномаси муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин.

Яна бир муҳим йўналиш тиббиёт ассоциацияларининг ролини кучайтириш билан боғлиқ. Аниқроғи, профессионал таҳлил ҳамжамиятлари оддий маслаҳат органи эмас, аксинча, тизимни шакллантиришда фаол иштирок этувчи субъектга айланмоқда. Улар тиббий ёрдам стандартларини ишлаб чиқишда қатнашади, хизмат сифати баҳолашида иштирок этади, мутахассисларни сертифицирлаш ва қайта тайёрлаш жараёнида мустақил эксперт сифатида жалб қилади. Шунингдек, тиббиёт ассоциацияларининг мустақил аудит ўтказиш ваколати ҳам муҳим янгиликдир. Бу орқали тиббиёт муассасаларининг фаолияти ҳам ички назорат, ҳам ташқи профессионал баҳолаш билан тегишлилади. Натижада сифатини яхшириш ёки расмий кўрсаткичлар билан чеклаш ҳолатлари камади.

Фармоннинг молиявий ва ташкилий бошқарува оид қисми ҳам алоҳида эътиборга лойиқ. Тиббиёт муассасаларига ажратилган маблағларнинг йил якунида олиб қўйилмаслиги ва кейинги йил бизнес-режа тузишда инноват олиниши тизимда янги иқтисодий рағбат механизмининг яратилди.

### Соҳанинг келажак архитектураси

Бугун дунёда тиббиётнинг табии аста-секин ўзгариб бормоқда. Авваллари шифокор қарори, тажриба ва кузатув асосий ўринда турган бўлса, энди бу жараёнларга маълумотлар оқими, рақамли тизимлар ва интеграциялашган

платформалар тобора кучли таъсир кўрсатмоқда. Соғлиқни сақлаш тизими ҳам улкан маълумотлар экотизимини ўзида жамлайди. Мазкур фармон айнан шу ҳақиқатни чуқур англаган ҳолда, соғлиқни сақлаш тизимини рақамли трансформация йўлига олиб чиқишни стратегик вазифа сифатида белгилаб берди.

Энг аввало, барча ахборот тизимлари, платформалар ва рақамли ёчимлар учун ягона архитектура ва интеграция стандартлари жорий этилиши тизимнинг ички тартибининг тубдан ўзгаришидир. Маълумот алмашинуви протоколлари ва ахборот ҳавфсизлигини талаблари эса тизимнинг ишончилигини таъминловчи асосий пойдевор вазифасини бажаради.

Фармон билан давлат тиббиёт муассасаларида ахборот тизимларини босқичма-босқич тўлиқ жорий этиш бўйича “йўл харитаси” ни ишлаб чиқиш вазифаси қўйилган. Сабаби рақамлаштириш бир зумда амалга ошириладиган жараён эмас. У босқичма-босқич, синнов ва мослашув орқали шаклланидиган мураккаб трансформация. Шу тўғрисида “йўл харитаси” айтиш жараёни тартибга солувчи асосий инструмент бўлиши даркор.

Шунингдек, рақамлаштиришнинг асосий жиҳатларидан бири мониторинг ва баҳолаш тизимининг жорий этилишидир. Энди ахборот тизимлари амалда қандай ишлаётганига кўра баҳоланади. Тизимлар тиббий хизмат сифатига қандай таъсир қилаётгани, бошқарувининг тежорлиги ва аниқлигини қанчалик ошираётгани доимий кузатувда бўлади. Тиббиёт ҳодимларини ахборот тизимларидан фойдаланиш бўйича узлуксиз ўқитиш ва малакасини ошириш тизими йўлга қўйилмоқда. Бойси, технологиялардан самарали фойдалана оладиган кадрларнинг улур ҳеч қандай амалий қийматга эга эмас. Акс ҳолда, энг илғор тизим ҳам амалиётда самара бермаслиги эҳтимоли юқори.

Рақамли трансформациянинг яна бир муҳим босқичи амалдаги тизимларнинг самарадорлигини комплекс баҳолашдир. Фармонга кўра, Рақамли палатаси томонидан мустақил экспертларнинг иштирокида ўтказиладиган аудит жараёнлари орқали соғлиқни сақлаш соҳасида жорий этилган ахборот тизимлари чуқур таҳлил қилинади. Бу жараёнда техника ишлаш даражаси билан бирга уларнинг молиявий самарадорлиги ва амалий натижаси ҳам ўрганилади.

Давлат ахборот тизимларини яратиш ва қўллаш-қувватлаш бўйича ягона интегратор — “UZINFOCOM” МЧЖ томонидан соғлиқни сақлаш соҳасида ишлаб чиқарилган ахборот тизимлари ва жорий лойиҳаларнинг самарадорлиги ҳамда шартномалар аудит предмети этиб белгиланади. Бу ёндашув рақамли лойиҳаларнинг реал ҳаётда қанчалик фойда бераётганини аниқлашга хизмат қилади. Самарали деб топилган тизимлар ривожлантирилади, самарасизлари эса қайта кўриб чиқилади ёки бекор қилинади. Шу орқали ресурсларнинг оқилона сарфланиши таъминланади. Шу билан бирга, рақамли тизимлар тиббиётдаги шаффофлик даражасини ҳам оширади. Умуман, мазкур жараён бошқарув маданияти, жавобгарлик тизими ва тиббий хизмат сифати билан чамбарчас боғлиқ кенг қамровли трансформациядир.

Фармон тиббиёт тизимида профессионал жамиятнинг ролини ҳам янгича йўсунда талқин қилиш эҳтиёжини туддириди. Тиббиёт ассоциацияларига берилган ваколатлар орқали соҳа ичидagi профессионал ҳамжамият қарор қабул қилиш жараёнига фаол жалб этилмоқда. Стандартлар ишлаб чиқиш, сертифицирлаш жараёнларида иштирок этиш, малака баҳолаш ва мустақил аудит ўтказиш ваколатлари тиббиётда профессионал ўзини ўзи тартибга солиш тизими шаклланиётганини кўрсатади.

Бир сўз билан айтганда, соғлиқни сақлаш тизими жамиятдаги ишонч, адолат ва инсон қадрини шакллантирувчи муҳим институтдир. Шу маънода, фармон билан бошланган янги босқич тиббиёт тизимини техник ёки ташкилий янгиликлардан даражасидан олиб чиқиб, уни ижтимоий онг, бошқарув маданияти ва инсон қадрли билан чамбарчас боғлиқ яхлит тизимга айлантирмоқда. Бу эса соғлиқни сақлаш соҳасида янги давр бошланганидан далolat беради.

## Янги ёндашувлар

**Барқарор ривожланиш инсоният тараққиётининг замонавий концепцияси сифатида иқтисодий ўсиш, ижтимоий адолат ва атроф-муҳит муҳофазаси ўртасидаги мувозанатни таъминлашни назарда tutади.**

2015 йилда БМТ томонидан қабул қилинган 2030 йилгача бўлган Барқарор ривожланиш кун тартибидан 17 та барқарор ривожланиш мақсади белгилаган бўлиб, улар қашшоқликка барҳам бериш, соғлиқни сақлаш, сифатли таълим, саноатни модернизация қилиш, энергия самарадорлигини ошириш, иқлим ўзгаришига қарши кураш ва экологик ҳавфсизликни таъминлаш каби устувор йўналишларни қамраб олади.

Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш учун ишлаб чиқариш, маъсулот сифати, ҳавфсизлик, ресурслардан самарали фойдаланиш ва халқаро бозорларга чиқишни таъминлайдиган институционал механизмлар ҳам муҳим. Ана шундай институтлардан бири техник жиҳатдан тартибга солиш институтидир.

Техник жиҳатдан тартибга солиш маъсулот, хизмат, жараён ва технологияларга қўйиладиган мажбурий ва ихтиёрий талаблар тизими бўлиб, техник регламентлар, стандартлар, метрология, мувофиқликни баҳолаш ва аккредитация орқали амалга оширилади. Мазкур институт мамлакатда ҳавфсиз ва рақобатбардор маъсулот ишлаб чиқариш, аҳоли саломатлигини муҳофазаси қилиш, энергия тежамкор технологияларни жорий этиш, атроф-муҳитга салбий таъсирини камайтириш ва халқаро савдо тўсиқларини бартарф этишга хизмат қилади.

## СИФАТ ВА ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР

### БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ МАҚСАДЛАРИГА ЭРИШИШДА МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ

Таҳлилларга кўра, техник жиҳатдан тартибга солиш институти ўзaro узвий боғлиқ беш асосий элементдан иборат. Булар: техник регламентлар, стандартлар, метрология, мувофиқликни баҳолаш, аккредитация.

Техник регламентлар маъсулот ва хизматларга нисбатан мажбурий ҳавфсизлик талабларини белгилайди. Улар инсон ҳаёти ва саломатлигини муҳофазаси қилиш, атроф-муҳитни сақлаш, энергия тежамкорлигини таъминлаш ва истеъмолчилар ҳақдорлигини ҳимоя қилишга хизмат қилади.

Стандартлаштириш эса ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнларини мувофиқлаштириш, маъсулот сифатини ошириш ва ресурслардан оқилона фойдаланиш имконини

беради. Хусусан, ISO 9001 сифати бошқаруви, ISO 14001 экологик бошқарув, ISO 50001 энергия менежменти стандартлари корхоналарнинг барқарор ишлашини таъминлайди.

Метрология техник жиҳатдан тартибга солишнинг энг муҳим элементларидан бўлиб, ўлчовларнинг аниқлиги ва ишончилигини таъминлайди. Энергия сарфи, ҳаво ифлосланиши, сув сифати, тиббиётда диагностика, озиқ-овқат ҳавфсизлиги каби соҳаларда аниқ ўлчалар барқарор ривожланиш мақсадларига эришишни асосий шартдир.

Мувофиқликни баҳолаш маъсулот ёки хизматнинг белгилаган талабларга мослигини аниқлаш жараёни. У сертифицирлаштириш,

декларациялаш, синнов ва инспекция шаклларида амалга оширилади.

Аккредитация эса лабораториялар, сертифицирлаштириш органлари ва инспекция ташкилотларининг муносиблигини расман ташкилий механизми. Аккредитация қилинган ташкилотлар томонидан берилган сертификатлар халқаро бозорда ҳам тан олинади.

Энергия тежамкорлиги ва қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш барқарор ривожланишининг асосий йўналишларидан. Техник жиҳатдан тартибга солиш институти ушбу жараёнда энергия самарадорлиги стандартлари, энергия аудитлари ва ўлчалар тизимлари орқали иштирок этади.

ISO 50001 стандартини жорий этган корхоналарда энергия сарфи ўртача 10-15 фоиз камайиши кузатилади. Электр жиҳозлари учун энергия самарадорлиги бўйича техник регламентлар қабул қилиниши орқали энергия тежандиган маъсулотлар уллуши ошиб бормоқда.

Тадқиқотлар техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасини ривожлантириш мамлакат иқтисодиёти учун катта самара беришини кўрсатади. Стандартлаштириш ва сертифицирлаштириш ишлаб чиқариш ҳаражатларини камайтиради, маъсулот сифати ва экспорт ҳажмининг ошириди. Халқаро тадқиқотларга кўра, стандартлаштириш иқтисодий ўсишга ялли ички маъсулотнинг 0,5-1 фоизи миқдориди ҳисса қўшади. Германия, Япония ва Жанубий Корея тажрибаси стандартлаштириш ва инновацияларнинг иқтисодий тараққиётда муҳим омил эканини тасдиқлайди.

**Найбохан МАМАДАЛИЕВА, Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги директори маслаҳатчиси**

“Темур тузуклари” – миллий давлатчилигимиз дастури



Сохибқирон Амир Темурнинг “Темур тузуклари” асари давлат бошқаруви ва дипломатия, ҳарбий маҳорат, бунёдкорлик ҳамда адолат мезонларини ўзида мужассам этган бебаҳо қомусий манбадир.

Кейинги йилларда юртимизда бу муҳташам асарни тадқиқ этиш ва халқимиз орасида кенг тарғиб қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу рунда “Темур тузуклари”дан ибратли парчалар, китоб ҳақида қизиқарли мақолалар ҳамда ўзбек ва дунё олимлари эътирофларини бериб боришни ният қилганмиз.

Мавзуни Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййид қаламига мансуб “Темур тузуклари” шеъри билан бошламоқдамиз.

Тахририят

“ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ”

Бобомдан қолган эй сўзлар, аё сўзлар, Менга дармону қувват ҳам даво сўзлар.

Бобом қурган саройлар ичра сизлар ҳам Буюк бир қўрғонсиз даҳр аро, сўзлар.

Менинг шаъну ғурурим ҳам шараф-шоним, Турар дунё турар то бу бино, сўзлар.

Жаҳонгирлик била фатҳу зафарлардин Дилимга сиз берибдирсиз сафо, сўзлар.

Ики кафтин очиб тургандайин бобом, Қолибдурсиз менга мисли дуо, сўзлар.

Жам ўлмиш ҳарбу зарбининг санъати сизда, Гувоҳдир оламу арзу само, сўзлар.

Жаҳон то олғуси давлатчилик дарсин, Жаҳон давлатлари сизларда жо, сўзлар.

Мисоли наррашернинг наърасидирсиз, Берурсиз то қиёмат сиз садо, сўзлар.

Улуғвор салтанат шундоқ бино бўлмас, Кўрибсиз қанчалар жабру жафо, сўзлар.

Оғирдир подшоҳлик бирла бахт йўли, Бўлингиз менга ҳам сиз Раҳнамо, сўзлар.

Сирожиддин САЙИД, Ўзбекистон халқ шоири

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДМ

Бош муҳаррир: Салим ДОНИЁРОВ


МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамаси

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.

Навбатчи муҳаррир: Юнус Бўронов Мусахҳиш: Шерзод Маҳмудов Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй



Инсон қадри учун

Инсонларга яхшилик қилиш, кўнгли яримлар ҳолидан хабар олиш халқимизнинг гўзал қадриятидир. Президентимизнинг “Муборак Қурбон ҳайити муносабати билан аҳолини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва меҳр-саховат тадбирларини самарали ташкил этиш тўғрисида”ги қарори бу борадаги ишлар самарадорлигини янада оширишда муҳим омил бўлмоқда.

УМИД УЛАШАЁТГАН МЕҲР ҚАРВОНИ

Жараёнда ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар ҳолидан хабар олинмоқда. Етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум болалар ва ватан сарҳадларини ҳимоя қилиш йўлида қурбон бўлганлар фарзандларига бир марталик моддий ёрдам берилляпти.

Мазкур эзгу амаллар жамиятда меҳр-оқибат муҳитини кучайтиради. Кам таъминланган оилаларга енгиллик яратиб, инсонлар ўртасида ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлайди.

Навоий вилоятида ҳам ушбу хайрли ишлар давом этмоқда. Президентимиз қарори ижросини таъминлаш мақсадида вилоятдаги оғир ва ногиронликни келтириб чиқарувчи касалликларга чалинган болалар аниқланган.

Қарорга кўра, беморларни тиббий текширувдан ўтказиш, жарроҳлик ва даволаш харажатлари “Вақф” хайрия жамоат фонди орқали қопланмоқда. Фонд эса ушбу харажатлар учун давлат мақсадили жамғармалари ва бошқа манбалардан ажратилган маблағларни йўналтирган.

Ирода Дилмуродова оёғидаги нуқсон сабаб узоқ вақтдан бери даволанишга эҳтиёж сезарди. Ирода ва унинг онаси учун махсус ваучер шунчаки тиббий йўланма эмас, балки келажакка, соғлом ҳаётга очилган янги эшик бўлди.

Тиббий ваучер хаста, ногиронлиги бўлган мен каби турли юрtdошларимиз соғлом ҳаётга қайтиши учун катта тўхфадир, — дейди Ирода Дилмуродова. — Шундай эътибор марказидан бўлганлар сафида эканимдан жуда хурсандман.



Нурота туманининг Нуробод маҳалласида яшайдиган Феруза Зикриёеванинг 1,5 ёшли фарзанди Умарбекка қовуқ чурраси ташхиси қўйилган эди. Унга даволаниш учун ваучер берилгач, Навоий шаҳридаги вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказида жарроҳлик амалиёти муваффақиятли ўтказилди.

Ирода Дилмуродова оёғидаги нуқсон сабаб узоқ вақтдан бери даволанишга эҳтиёж сезарди. Ирода ва унинг онаси учун махсус ваучер шунчаки тиббий йўланма эмас, балки келажакка, соғлом ҳаётга очилган янги эшик бўлди.

Тиббий ваучер хаста, ногиронлиги бўлган мен каби турли юрtdошларимиз соғлом ҳаётга қайтиши учун катта тўхфадир, — дейди Ирода Дилмуродова. — Шундай эътибор марказидан бўлганлар сафида эканимдан жуда хурсандман.

Эзгу сазъ-ҳаракатлар Ирода каби минглаб бемор йиғит-қизларнинг юқори технология жарроҳлик амалиёти, қимматбаҳо дори-дармонлар ва реабилитация курсларини мутлақо бепул олишига кафолат бўлди.

— “хонадонбай” тизими асосида ҳам ташкил этилиб, тиббий ёрдамга муҳтож беморларнинг уйларига тўғридан тўғри кириб бормоқда.

— Вилотиимизда юқори технологияли жарроҳлик амалиётига муҳтож 200 га яқин болажонни даволашга киришилган, — дейди Навоий вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Нурали Сафоев. — Бундан ташқари, 100 га яқин онкологик беморни даволаш, жарроҳлик амалиёти ўтказиш, шунингдек, буйрак ва жигар трансплантацияси бўйича ҳам амалий ишлар қилинмоқда.

Икки ёшли Солиҳа Сайфуддинова туғма юрак нуқсони билан дунёга келган. Унинг ота-онаси пул йиғиб, қизиди жарроҳлик амалиёти ўтказишига эришди. Бироқ ёндош касалликлар ҳам безовта қилгани боис, у яна даволаниши керак эди.

— Фарзандим соғлом ҳаётга қайтишига катта ёрдам берилди, — дейди Солиҳанинг онаси Шоира Абдиева. — Даволаниш, дори-дармон ҳаммаси текин. Бундан жуда хурсандим. Фарзандим келажакда юрт тараққиётига хизмат қиладиган инсон бўлишига ишонаман.

Хатирчи туманида ҳам эзгу ишлар кенг қулоч ёзди. Белгиланган тоифага мос келадиган хаста болажонлар текин даволаниши учун ваучерлар топширилди.

— Ижтимоий ҳимояга муҳтож, ногиронлиги бўлган ва ёлғиз яшовчи 1915 та оилга 12 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари берилди, — дейди Хатирчи тумани “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази директори Алишер Баҳридинов. — Давлат таъминотидаги 1911 та оила ҳамда ёлғиз фуқароларга озиқ-овқат жамланмалари етказилди.

Бу каби амалий ишлар халқимизнинг асрлар оша амал қилиб келган қадриятларига янгича қувват берди. Муборак айёмнинг мазмун-моҳияти инсонларга меҳр кўрсатиш, эҳтиёжмандларга ёрдам бериш каби эзгу фаиллар эканини яна бир бор намоён этади.

Навоий вилоятида бундай тадбирлар давом этмоқда. Муҳими, меҳраги ташна қалбларда эртанги кунга ишонч янада мустаҳкамлянапти.

Ғолиб АБДУСАЛОМОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири



Футбол

МУНДИАЛГА ҲОЗИРЛИК АВЖИДА

Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси тарих яратиб, илк бор жаҳон чемпионатиغا йўланмани қўлга киритган кундаги хуш кайфият, бемисл ҳаяжон мундиал яқинлашгани сари халқимиз орасида яна янги тўлқинда пайдо бўлмоқда.

Аллақачон АҚШга етиб борган таркиб хусусида муҳокамалар авж олган, мухлислар илк ўйин санасини кун санаб кутаётган, юртдошларимиз билан бир сафда бутун марказий осиелик футболболлар ҳатто океанортида ҳам футболчиларимизни тантана билан кутиб олиб, фаол қўллаб-қувватлаётгани футболчиларимизга қўшимча рағбат ва куч бағишлайди.

Шу ўринда 22 май кунини Президентимизнинг футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоасини 2026 йилги жаҳон чемпионатида қузатиш маросимидаги нутқига эътибор қаратмоқчимиз. Давлатимиз раҳбари бугунги кун ўзбек футболни учун яна бир тарихий сана экани, миллий терма жамоамиз АҚШ, Мексика ва Канада майдонларида ўтадиган жаҳон чемпионатида катта ишонч ва эзгу тилаклар билан кузатилаётганини таъкидлар экан, “Энди футболчиларга қарага айтмоқчиман: жаҳон чемпионатида осон ўйиннинг ўзи йўқ. Сизлар Португалия, Колумбия, Конго каби терма жамоалар билан ўйнайсизлар. Халқимиз ҳар бир ўйинда сизлардан галаба кутини табиий, албатта. Лекин бир нарсани доимо ёдда тутинг: сизлар

тарихни аллақачон яратиб бўлдингиз! Олдингизда турган муҳим учрашувларда ортқича босимсиз, ҳеч кимдан ҳайқмасдан, борингизни бериб ўйнанг. Ҳар бир тўп, ҳар бир вазият, майдоннинг ҳар бир қарчи учун охиригача курашинг!” деди.

Дарҳақиқат, жаҳон чемпионати ҳақида гап кетганда, кўз олдимизга биринчи навбатда йиғинлар, машгулотлар, тактик схемалар ва ўртоқлик учрашувлари келади. Мураббийлар таркиби устида бош қотиради, таҳлилчилар рақиблирини ўрганади, футболчилар эса жисмоний ҳолатини яхшилашга ҳаракат қилади. Бу табиий. Ахир ҳар қандай катта мусобақага тайёргарлик деганда айнан шу жараёнлар назарда тутилади.

Бироқ яна бир муҳим жиҳат бор — руҳий тайёргарлик. Жамоа қанчалик катта умидларни ифода эта бошласа, унинг елкасидаги юк шунчалик оғирлашади. Яъни азалий орузси рўёбга чиққан пайтда инсон баъзан ўзини йўқотиб қўйиши эҳтимоли бор. Футбол тарихида жаҳон чемпионатидаги дебютлар турлича кечган. Айрим терма жамоалар мусобақага чиқишининг ўзи билан чекланиб қолган бўлса,

баъзилари айнан биринчи иштирокидаёқ кутилмаган натижаларга эришган. Бу ерда қизик қонуният кўзга ташланади. Энг яхши қатнашган жамоаларнинг аксарияти ўзини тарихий воқеа марказида турган қаҳрамонлар эмас, навбатдаги футбол ўйинига тайёрланаётган профессионаллар сифатида ҳис қилишга муваффақ бўлган.

Шу нуқтага назардан, Ўзбекистон терма жамоаси олдинда турган вазифалардан бири жаҳон чемпионатининг кўламини тўғри баҳолашдан иборат. Айни кунларда эса мусобақага тайёргарлик авжиди. Термаимиз кучли жамоаларга қарши ўртоқлик учрашувларида майдонга чиқиши кўзда тутилган. Мундиалда рақиблир даражаси, ўйин суръати бошқача бўлади ва шунга монанд Канада, Нидерландия каби кучли рақиблир танланган. Чунотчи, ўртоқлик учрашувларининг вазифаси мундиал муҳитига максимал даражада яқин шароит яратишдан иборат. Ҳар

бир ўйин орқали жамоа ўзини яхшироқ тушуниб боради. Негаки футболда ўз имкониятларини нотўғри баҳолаш энг хавфли хатолардан биридир.

Яъни асосий мақсад жаҳон чемпионати бошланган кунини жамоа ким эканини, нималарга қодирлигига ва қайси йўл билан натижага эриша олишини аниқ билиши шарт. Зеро, мундиалда баъзи саволларга жавоб излаш учун вақт бўлмайди. У ерда жавобларнинг ўзи билан майдонга чиқишга тўғри келади. Биз эса барча савол ва кутилмаларимизга жамоамиз ва мураббийлар штабиди энг тўғри жавоблар беришига ишонамиз. Улардан фақат ва фақат “ортқича босимсиз, ҳеч кимдан ҳайқмасдан, борини бериб” тўп суришларини ва албатта, бир муҳлис, шу ватан фарзанди ўлароқ мардонвор ўйин, катта галабалар кутиб қоламиз.

Аслиддин КАРИМҚУЛОВ, журналист

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРИНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА УҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

